

илиан Росс

Рус тилидан Ортикбой Абдуллаев таржимаси

СЎЗБОШИ

Эрнест Хемингуэй билан илк бор 1947 йилда Айдахо штатига карашли Кетчамда учрашган эдим. Мексикадан Нью-Йоркка кайтаётгандим, у ёкка Бруклинлик Америка тореадори Сидней Франклин хакида “Нью-Йоркер” биринчи очеркимни ёзиш учун боргандим. Хемингуэй Франклин билан йигирманчи йилларнинг охири – ўттизинчи йилларнинг бошларида, у Испаниядан тореадорлик килиб юрган пайтларида танишган эди. Мексикада Франклик иштирок этадиган ўйинларга бориб, умримда биринчи марта тореадорлар жангини кўрганимда ўлгудек кўркканим эсимда. Матадор билан букалар ўртасидаги кескин тўқнашувларнинг ўзига хос жозибали ва улуғвор жихатлари бўлишига карамай, бу кураш тури менга ёкмади. Флэтбушшлик полиция назоратчисининг ўгли Франклин кандай килиб тореадор бўлиб колгани шу пайтларда мени кўпрок кизиқтирган эди, албатта. Шунда Франклин менга, букалар жанги хакида росмана маълумот берган биринчи америкалик Хемингуэй эди, деб тан олганди.

Мен дархол Кетчамга – Хемингуэйга телефон килдим. Хемингуэй ўзининг Гаванага якинов. Сан – Франциско де Пауладаги фермасидан узокда бўлган бу манзилда дам олишни ва чангида учиб, ов килишни яхши кўрар эди. Кейинрок у Кетчамдан уй сотиб олди. Мен кўнгирок килганимда Хемингуэй хотини Мэри, ўгиллари Жон, Патрик, Грегори ва бирга балик овлайдиган кубалик дўстлари билан овчилар уйида турган экан. У, кайтаётганингизда бизнинг уйда мехмон бўлиб кетинг, деб самимий таклиф килди.

Эрталаб соат еттида поезд келиб тўхтагандан кейин Хемингуэй билан биринчи марта учрашдик. Хаво ўн даража совук бўлишига карамай, у кор босган уй ёнида пайпоксиз хонаки туфли кийган, кумуш укали хиндулар камари такилган жинси шимда, чўнтакларига ялтирок тугмалар кадалган, ёкаси кўтарилган юпка ковбойлар кўйлагида

турар эди. Мўйлаби окара бошлаган, рухонийларникига ўхшаб кетадиган калта соколи унга салобат ва соддалик багишлаб турганига карамай, кадди-коматига унчалик мос эмасди. Шу кунги тонгда у улугвор, тетик, мулойим ва меҳрибон кўринарди. Иссик пальто кийган бўлсам-да, совук суюк-суюгимдан ўтиб кетганди. “Совук котмаяпсизми”, деб сўраган эдим, Хемингуэй “заррача хам”, деб жавоб кайтарди. Назаримда бутун вужудидан харорат ёгилиб тургандек эди. Хемингуэй ва дўстлари билан кунни жуда хушчакчак ўтказдик. Очилиб гаплашдик, магазинларга кириб, мавлуд байрамига совга-саломлар харид килдик. Мэри Хемингуэй хам худди эри каби ўзини ниҳоятда кувнок, ёкимтой ва хушчакчак тутди, айна замонда машхур ёзувчига муносиб хотин ролини ўринлатиб адо этди. Менга улар бир-бирига ниҳоятда мос жуфт бўлиб туюлди.

Кетчамга келиб-кетганимдан кейин кўп ўтмасдан Хемингуэйдан хат олдим. У мени букалар жанги хакида макола ёзишга жуда муносиб муаллиф деб таърифлаган эди. Ўзим хам ўйлаб-ўйлаб таваккал килишга – Франклин хакида очерк ёзишга жазм этган эдим. Очерк режаси маъкуллангандан кейин Хемунгуэйга мактуб йўллаб, бир канча масалаларда маслахат сўрадим, у хам ўз навбатида саволларимга батафсил жавоб кайтаришидан ташкари маколамни бетокатлик билан кутаётганини хам маълум килди. Айна шу кезларда “Нью-Йоркер” бир нечта хикоямни босиб чиқарганди, Хемингуэй ва хотини журналнинг доимий ўқувчиларидан эди, хикояларим чамамда, уларга маъкул бўлди. Ниҳоят, “Франклик портрети” чоп этилгандан кейин мен Хемингуэйдан каламда битилган хат олдим Италиядан – Кортина д’Ампеццодаги “Вилла Априле”дан жўнатилган эди, хатда Франклин хакидаги очерк маъкул бўлгани айтилганди.

Хемингуэй бутун умри давомида учратган турли-туман одамларни ёдида саклаб қолишга уринар, бировлар хакида аввал айтган гапини нотўгри деб ҳисобласа, буни мардона тан олар эди. Мактовлари хам астойдил ва чин юракдан бўлар, хар доим одамларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат киларди. У сизни истикболи порлок ёзувчи деб атаб, Жо Пейжем ва Хью Кейси билан киёслашдан таф тортмасди, айна замонда макташ учун бу бейсбол юлдузлари тарихини билиш шарт эмас, деб ҳисобларди Хатларини ўқиганда хам у худди ёнингизда гаплашиб тургандек туюлар, бу эса жуда ажойиб ва ёкимли таассурот колдирарди. У сахий суҳбатдош эди. Ўз гоёси ёки карашлари, хазил-хузуллари, шахсий фикрларини зўрлаб ўтказишни ёқтирмасди. Ўта хозиржавоб эди, хулосалари қандай бўлишидан катъи назар, уларни катта калб харорати билан баён этишни яхши кўрарди. Масаланинг тагига етиб, кувнок юмор, хозиржавоблик, назокат билан айтган гапларидан жуда кўп нарсаларни билиб олиш мумкин эди. У очикчасига дангал гапирар, гаплари эса хар доим ниҳоятда тетик ва кувнок бўларди.

1950 йилнинг баҳорида яна шу “Нью-Йоркер” учун “Хемингуэй портретини” ёзиб тугатдим. Мен Нью-Йоркда Хемингуэй билан ўтказилган икки кун хакида ниҳоятда самимий руҳда ёздим, унда дунёда ҳеч кимга ўхшамаслик учун жасорат топа олган

Хемингуэй аслида кандай одам эканини иложи борича аник кўрсатишга ҳаракат килдим; у ишлаётганда, суҳбатлашаётганда, дам олаётганда кандай ҳолатда бўлишини кўрсатдим; бошқача айтганда, мен ҳазил-мутойибани ниҳоятда яхши кўрадиган бу инсоннинг кифасини бутун жозибаси, ҳаётсеварлиги билан чизиб беришга уриниб кўрдим. Очеркни эълон қилишдан олдин терилган нусхаларини Хемингуэйларга жўнатдим, айрим тузатишлар киритилган ҳолда уларни менга қайтариб юборишди. Хемингуэй илова тарзида ёзилган хатида “Портрет” кизикарли ва марокли чикканини таъкидлаб, факат бир жойи олиб ташланса, яхши бўлишини айтган эди.

Шундан кейин ёзувчилик ҳаётимда ҳеч қачон учрамаган галати ва сирли бир ходиса юз берди. Мен ва журнал таҳририяти, ҳатто Хемингуэйнинг ўзи учун ҳам сира қутилмаган тарзда “Портрет” катта тортишувларга сабаб бўлди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги уни тўғри қабул қилишда, назаримда очерк уларга маъқул тушганди. Баъзилар унга кескин ва адолатсиз баҳо беришди. Улар орасида Хемингуэй ёктирмайдиган одамлар ҳам бор эди, улар мени ҳам ёзувчини ҳуш кўрмайдиганлар қаторига қўшиб, аслида йўқ жиҳатлари учун асаримга мактов ёғдиришганди. Бошқача айтганда, қахрамонимни имкон қадар аник тасвирлаш орқали унинг устидан қулган ёки унга ҳужум қилган эмишман. Яна баъзиларга Хемингуэйнинг сўзлаш усули ёкмаганди (Хемингуэй баъзан ҳазил тарзида инглизчани бузиб гапирадиган ҳиндуларга таклид қилиб атайлаб қўшимчаларни ташлаб кетарди), унинг эркин турмуш тарзи, ўзи ҳам эътиборсиз қарайдиган боксга беҳуда қизиқиш, хайвонот богида сайр қилиш, дўстлар билан суҳбатлашиш, балик овлаш каби эрмақлари қимларгадир ҳуш қелмасди. Улар уни одамлар билан гаплашишни севишини, бирон асарини ёзиб тугатмасдан аввал шампан виноси ва увилдирик билан тантаналар ўтказишини ёктиришмасди.

Хуллас, уларга ҳеч нарса ёкмас, аникроги Хемингуэйни Хемингуэй бўлгани учун яхши кўришмасди. У ўзгача бўлишини, очиги, ўзларига ўхшашини хохлашарди. Булардан шундай ҳулоса чиқарилгандики, очеркда Хемингуэйнинг ҳаёти бузиб тасвирланган ёки у хақиқатан ҳам шундай бўлса, мен у ҳақда умуман ёзмаслигим керак экан. Чамаси, улар улуг ёзувчи кандай бўлиши ҳақида мешчанларча фикр юритиб, ўзларининг ҳаётдан узилиб қолган қарашларини зўрма-зўраки химоя қилишар ёки Хемингуэйга хиёнат қилишда айблаб, менга беҳуда таъна ёғдиришарди. Баъзи ўта ашаддийлар эса тўғридан-тўғри “Портрет”ни махв этувчи асар, деб ҳисоблашганди. Бу галвалардан хабар топган Хемингуэй 1950 йилнинг 16 июнида менга таскин берувчи мактуб йўллади. У мени хаяжонмасликка чақирган ва сизни тўғри тушунишмабди деб қўнглимни кўтарганди. Баъзилар, деб ёзган эди у, ҳаётга чексиз мафтунлигимга ҳам гашланиб қарашади. Савлат тўқиб юрмасдан ҳам жиддий ёзувчи бўлиш мумкинлигига уларнинг ақли етмайди.

Ўлим нарсаларга бошқача кўз, ўзгача нуқтаи назардан қарашга мажбур қилади. Ўша

пайтда “Портрет”ни бузиб талкин килганлар уни бугунги кунда ўкиса, бошидан охиригача тўгри кабул килган бўларди. “Портрет”ни ёзаётган вақтимда факат ўзим кўрган ва эшитган нарсаларнигина баён қилишга интиланган ва фактларни ёки ўз фикрлариму, мулохазаларимни изохлашга ўрин қолдирмаганим. Ишончим қомилки, ўз нуқтаи назаримни билдирмаган бўлсам ҳам, хохлаган ўқувчи мен танлаб олган деталлар асосида яратилган чизгилар тўла меҳр ва хайратга йўғрилганлигини кўриши мумкин.

Хемингуэй у Нью-Йоркда икки кун ичида менга қандай кўринган бўлса, Портретда уни шундайлигича гаваданга олганим учун ўзимни бахтиёр санайман...

Мен чизган лавхаларимда Хемингуэй асарларига ҳеч қандай баҳо берганим йўқ, аммо улардан ҳар доим чексиз лаззат олганим учун бир ўқувчи сифатида ёзувчи ижоди кейинги йилларда пасайиб кетди, деб димоғдорлик қилаётган танқидчилар ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтаман. Баъзи мулохазаларни ўқиганда Хемингуэй гўё қастдан бировларнинг ўсиб-унишига ҳалакит бериб, ўзини ва шу йўл билан ижтимоий мавқеини оширишга уринаётгандек таассурот пайдо бўлади.

Холбуки, менинг яхши хабарим бор, у то ўлимига қадар ўз эътиқодида собит турди, ҳеч қимга ён бермасдан, қатъият ва матонат билан қучи етганча ижод қилди, имкони қанча бўлса, шунча яхши ёзди. Хатто у ёзолмай қолганда ҳам, китоблар орасидаги танаффуслар пайтида ҳам яшаш тарзини заррача ўзгартиргани йўқ.

У умрини жўшқин ҳаёт қучоғида ўтказди ва ўзгалар ҳам ҳаётдан завқ олсин деб ўз тажрибаларини саҳийлик билан ҳаммага улашиб яшашини қатта бахт деб билди.

Хемингуэйга ҳос саҳоват қилма қил қўринишларда намоён бўларди. Дўстларига ёзган хатларида ва суҳбатларида Хемингуэй берган маслаҳатлар асосида қатта-қатта асарлар яратиш мумкин эди. Унинг мактублари ўзига ҳос эркин, қувноқ оҳангда бўлиб (у ҳамминг вақти зиклигини яхши биларди), Хемингуэйча “тезқорлик”да битимлар, бу услубдан китобларига қараганда мактубларида кўпроқ фойдаланар эди. У хат ёзишни яхши кўрарди. “Портрет”ни тамомлагач, фильмлар қандай тайёрланиши ҳақида туркум мақолалар ёзиш учун бир ярим йилга Голливудга кетдим. Бу ерда Хемингуэйдан кўплаб мактублар олдим, уларда у кинофильмлар қандай суратга олиниши ҳақида ўз нуқтаи назарини билдирган, Кубадаги ҳаёти қандай кечаётгани, сўнги воқеалар ҳақида хабар берган, балиқ ови ва бошқа саргузаштларини қизикарли баён қилган эди.

1953 йилда оғил килиш учун Африкага кетганда ҳам бу ўлкадаги ажойиботлар ҳақида

ёзиб турди. У Африкадаги хаёт бошка жойларга караганда кўп жихатдан яхши деб таъкидлар ва бунга ишонч хосил килиш учун келишга даъват этарди. Мактублар кўпинча албатта жавоб кайтаринг деган илтимос билан тамомланарди. У ёзишмаларни тўхтатишни ёктирмасди, бу ҳақда бир марта менга очикчасига ёзган ва мактублар келмай колса, ўзимни ёлгиз хис киламан деб кўшиб кўйган эди. Баъзан Мэридан ҳам Хемингуэйга хос кувноклик ва хаётсеварлик билан сугорилган хатларни олиб турардим. У Кениядан ёзган мактубида бу ерда тонг отаётганда ухлаш рохат багишлайди, куёш чикканда ювиниш учун дарёга бориб, бахайбат бегемотларни кўрганда хаётдан чинакамига завкланиш мумкин деб, ёзган эди.

Хемингуэйларни менга караганда яхшироқ биладиган бошка одамлар ҳам бундай даъватномаларни олганига шубха йўқ. Хемингуэйлар хамиша кувнок ва мехмондўст эдилар. Улар Кенияга, Парижга ёки Кубадаги фермасига чин кўнгилдан таклиф килишарди. Бундай самимий даъватлардан фойдалана олмаганим учун ачинаман!

Хемингуэй кандай ёзиш ёки ёзувчи кандай бўлиши борасида ҳеч қачон янглишган эмас. У ҳар икки ҳолатни ҳам яхши, жуда яхши билар эди. Баъзи ёзувчиларнинг асарлари кўп нусхада босилгани, кинокомпаниялардан катта гонорарлар олгани, номи машҳур бўлиб кетганига карамай, уларнинг баҳоси кандайлиги, ёзувчи сифатида қайси даражада туришини аниқ-тиник кўриб турарди. 1950 йил 8 августда бир умр иложи борича яхши ёзишга интилгани, имкони етгунча кўп ўрганиш ва англашга ҳаракат қилгани хақида ёзган эди. Шундай одамлар борки, тинимсиз менинг нуксонларимга таклид қилишади, мусика ва охангларимни такрорлашади ва буни Хемингуэй мактаби деб тақдим этишадию, аммо ҳеч қим менга яхшиликни раво кўрмайди, деб таъкидлаган эди. Кейин гўё фикрини ўзгартиргандай бўлиб, бу борада мен ҳақ эмасман, кўпчилик яхшилик қилишни хоҳлайди, аммо бу ҳақда жиддий гапиришдан тортинишади, деб қайд этган эди. Ёзувчилик меҳнатига, адабиётга у катта маъсулият билан қарарди. Ундан нимани кутсалар, шуни амалга оширишга ҳаракат қиларди. Бошловчи ёзувчиларнинг саволларига ҳеч пайсалга солмасдан жавоб кайтарарди. Бир маҳал ўқишга қайси китобларни тавсия қилишини сўрадим. У қуйидаги рўйхатни тузиб берди:

Мопассан. “Дўндик ” ва “Тельенинг уйи”.

Стендаль “Кизил ва кора”.

Бодлер. “Ёвузлик чечаклари”.

Флобер “Бовари хоним”.

Манн. “Будденброклар”.

Гоголь. “Тарас Бульба”.

Достоевский. “Ака-ука Карамазовлар”.

Толстой. “Анна Каренина”, “Уруш ва тинчлик”.

Готторн. “Алвон харфлар”.

Пруст. “Йўколган вақт изидан”.
Крейн. “Жасоратнинг алвон нишони”.
Твен. “Геккельберри Финнинг саргузаштлари”.
Генри Жеймс. “Де Мов хоним”.

Хемингуэй билан нима хақида гаплашган бўлсам, у хақида фойдали маслаҳатлар беришга ҳаракат қилди (ёки менга шундай туюлди). Бир куни катта бир нарсани ёзиб тугатганимдан кейин унга киска ва енгил нарсаларни ёзганим маъқул экан дедим. У эса менга имкони борича кийин нарсаларни ёзишга ва уни қандай бўлмасин яхши бажаришга урининг, бутун умр бўйи шунга интилинг, деб маслаҳат берди. “Факат ўлишга шошилманг”, қўшимча қилди ва у дунёдаги энг фойдасиз нарса деб тушунтирди. У энг майда-чуйда ишларда ҳам қарашиб турарди. Калифорнияга борганимда отда юришни ўрганмокчи бўлдим, Хемингуэй менга йирик яхши боқилган отлардан эмас, кичик, аммо ақлли ва ювош отларда юришни маслаҳат берди. Голливуд масаласида фикри жуда киска бўлди: у ерда жуда узок қолиб кетманг, деб тавсия қилди.

Баъзи донолар уни реалист эмас, романтик ҳисоблашарди. Менга эса Хемингуэй ҳар доим мавжуд ҳаётни ҳолис кузатувчиси бўлиб туюларди ва уни юқори даражада тушунарди. Мактубларимдан бирида ўгли Жон хақида яхши гаплар эшитганимни ёзган эдим. Хемингуэй жавоб хатида ўглини жуда яхши кўришини ва яна қўшимча сифатида учта китъани, бир неча самолётларни ва кемаларни, уммонларни, сингилларини, хотинларини, ҳаёт ва ўлимни, тонгни, туш пайтини, окшом ва тунни номусни, ўрин-кўрпани, боксни, сузишни, бейсболни, отишни, балик овини, ўқиш ва ёзишни ҳамда барча нодир суратларни севишини маълум қилган эди.

Ўлимидан салгина олдин Рочестердаги Мейо шифохонасида даволанаётган Хемингуэй ниҳоят “арзимаган” қон босимидан қутулганини, аммо ёзадиган кўп нарсалари қолиб кетаётганини ва тез кунларда Мери билан одамлар уларни безовта қилмайдиган ва “ишлашга ҳалакит бермайдиган” жойга кетиш нияти борлигини ёзган эди.

ХЕМИНГУЭЙ ПОРТРЕТИ

Хозирги Американинг буюк романчиси ва ихчам ҳикоялар устаси – Эрнест Хемингуэй Нью-Йоркка кам келар эди. Кўп йиллардан бери у деярли ҳеч қаерга чиқмасдан Гаванадан ўн чақирим узокдаги Финка Виджиадаги фермасида хотини, тўққизта хизматчиси, эллик иккита мушуги, ўн олти ити, икки юзта каптари ва учта сигири билан яшарди. Нью-Йоркка сафарга кетаётгандагина бир муддат тўхтаб ўтарди.

1949 йилнинг охирида Европага отланган Хемингуэй Нью-Йоркда бир неча кун бўлди. Мен унга учрашиш хақида хат ёздим. Машинада ёзилган жавоб мактубида у қарши

эмалигини билдириб, аэропортда учрашишни таклиф килганди.

“Ўзим ёктирмайдиганларни кўришни, рекламани, вақтни беҳуда ўтказишни хохламайман, — деб ёзган эди у. — Броксдаги хайвонот богини, Метрополитен музейини, замонавий санъат музейини, табиат музейини, табиат тарихи музейини ва бокс матчини кўришни мўлжаллаганман. Метрополитенга кўйилган олижаноб Брейгелни кўрмокчиман. Афсуски, у ерда Гойянинг икки яхши асари ва Эль Греконинг “Тоledo”си йўқ, Тутс Шорга бормайман. Шахардан кетгунимча оғзимни очмайман. Тунги ковокхоналарга кирмайман. Матбуот ходимлари билан учрашмайман. Вақтим фақат дўстларимни кўришга етади”. Калам билан яна “Нима бўлганда ҳам бизнинг вақтимиз зик”, — деб кўшиб кўйган эди.

Гаванадан келган куни Хемингуэй шошилаётган одамга ўхшамасди. У кечкурун “Айдлуайлд” аэродромига кўниши керак эди. Мен аэродромга етиб борганимда самолёт кўниб бўлган экан. Хемингуэй чиқиш эшигида юқларини олиш учун кетган хотинини кутиб турганди. У бир кўлида эски, титилиб кетган, мехмонхонларнинг ёрликлари ёпиштирилган сумкани багрига босиб турар, иккинчи кўли билан кора терга пишиб кетган кандайдир кичкина, котма кишини кучоклаб олган эди. Хемингуэй кизил катак кўйлак кийиб, гулдор накшли жун галстук таккан, елкасига енгсиз жигарранг тўкима нимча ташлаганди. Кулранг юпка шим, носки ва юмшок ағдарма чарм туфлида эди. Мулойим, ювош айикка ўхшаб кўринарди.

Оркасига таралган узун сочлари, мўйлаби ва текис кузалмаган калта соколи бтунлай оппок эди. Пўлат бандли кўзойнаги гардишига коғоз кистирилганди. Умуман, у Манхэттенга шошилмаётганга ўхшарди. Кўлтигидаги портфелига ишора килиб унда хали битмаган “Дарё ортидаги дарахтлар соясида” романининг кўлёмаси бор, деб кўйди. Багрига босиб олган пакана, чайир кишини самолётдаги хамрохим деб таништирди. Исми Майерс, узук-юлук гапларини тўғри англаган бўлсам, у Кубага муҳим иш билан бориб, кайтиб келаётган экан. Майерс унинг кучоғидан сирғалиб чиқишга уриниб кўрди, аммо Хемингуэй бўшатишни хаёлига ҳам келтирмасди.

– Самолётда китобдан бош кўтармади, — деди Хемингуэй. У хиндуларинг инглизча сўзлашувига таклид килса-да, талаффузида Ўрта Гарб лахжаси очик сезилиб турарди. Чамамда, китоб ёкиб колди, — кўшиб кўйди у Майерсга юкоридан дўстона караб, уни охиста силкитар экан.

– Сoғ бўлинг! — деди Майерс.

– Китоб уни кийнаб кўйди, — давом этди Хемингуэй. — Аввал сокин бошланган эди, кейин одамни йикитиб юборадиган тезликка ўтди. Мен хиссиётларни ана шу тарзда

кучайтириб бораман. Кейин ўқувчига хаво етишмай колмасин деб тезликни пасайтираман. Китоб машинага ўхшайди, охиста тормоз бериш керак.

– Сoг бўлинг! – такрорлади Майерс.

Хемингуэй уни кўйиб юборди.

– Китоб дурангни ёктирмайди, – деди у. – Хар канакаси – 12:0 хам, 12:11 хам ютук.

Майерс ҳеч нарсани тушунмади.

– Бу китоб “Алвидо”дан яхши, – деди Хемингуэй. – Мен буни яхши чикди, деб ўйлайман. Аммо доим юкоридан караб баҳо беришади. Айникса, ўзингни ўта китобхон деб хисобласанг. – У Майерснинг кўлини каттик силкитди. – Китобни ўқиганинг учун раҳмат.

– Марҳамат килинг, – деди Майерс ва гандираклар узоклашди. Хемингуэй унинг оркасидан караб турди-да, менга ўгирилди.

– Китобни тамомлаганингдан кейин худди мурдага ўхшаб коласан, – деди тушкун охангда. – Аммо буни ҳеч билмайди. Ёзувчи ишини битиргандан кейин хамма нарсага туфуради деб ўйлашади. Ёзиш – нақадар катта масъулият эканини унутиб кўйишади.

У ўзини яхши хис этган бўлса-да, каттик чарчаганини айтди, вазни 97 килограмга тушибди, кон босими хам пасайибди.

Китобнинг кўп жойларини яна кўриш керак экан, ўзига маъкул бўлгунча кайта-кайта ёзишга қарор қилибди.

– Ёзувчи бейсбол ўйинчиси эмас, уни майдондан ҳеч қим чиқариб юборолмайди, – деди Хемингуэй. – У ўлим ҳолатида хам доирани босиб ўтишга мажбур.

Нозик, серхаракат, қувнок аёл – Хемингуэйнинг хотини Мэри олдимизга келди. У ялтирок сочларини калта кестирган, ёкаси мўйнали узун манто кийган эди. Оркасида чемоданларга тўла аравагани судраб келаётган хаммол.

– Дадаси, хамма буюмлар жойида, – деди у Хемингуэйга. – Энди йўлга чиқарсак бўлаверади...

У эса юз-кўз ифодаси билан шошилмаётганини билдирди. Эринмай чемоданларни санашга тушди. Улар ўн тўртта эди, ярмиси катта чемоданлар бўлиб, мисс Хемингуэйнинг айтишича, эрининг чизмалари бўйича ясалган. Уларга ўзи ўйлаб топган усулда фамилия ва исмларнинг бош ҳарфлари ёзилган экан. Хемингуэй санаб бўлгандан кейин хотини юкларни қаерга олиб боришни тушунтирди. Хемингуэй хаммолга кутиб туришни буюрди ва хотинига бурилиб:

– Азизам, кўп шошилмасак хам бўлади. Кун тартибига кўра энг аввал оз-оздан ичишимизга тўгри келади, – деди.

Биз аэропортдаги барга кириб, тўсик ёнида тўхтадик. Хемингуэй портфелини ялтирок стулга кўйиб, уни ўзига тортди. Сув кўшилган вискига буюртма берди. Миссис Хемингуэй хам бу таклифга кўшилди, мен бир финжон кофе сўрадим. Хемингуэй барменга икки хиссадан деб ишора қилди. У вискини сабрсизлик билан кутар экан,

тўсикка иккала кўлини кўйиб, кандайдир тушуниб бўлмайдиган охангни хиргойи килишга тушди. Миссис Хемингуэй Нью-Йоркка коронги тушмасдан етиб олсак яхши бўларди, деб истак билдирди. – Буни менга заррача ахамияти йўк, сабаби Нью-Йорк кўпол, сохта, кун билан тунни ажратиб бўлмайдиган шаҳар, умуман у ёкка бораётганимдан хурсанд эмасман, Венеция бўлса бошқа гап эди, – деб жавоб берди Хемингуэй, – Гарбда мен Вайоминг, Монтан ва Айдахога боришни хохлайман, яна менга Куба, Париж, Венеция атрофлари ҳам ёқади, Вест-портни кўрганда кўнглим озади.

Миссис Хемингуэй сигарета тутатиб, кутини менга узатди. Мен сигареталарни эрига хавола килдим, аммо у чекмайман, чекканда хид билиш туйгуси йўколади, айникса, ов пайтида бу жуда муҳим деди.

– Хиссиёти нозик одаларга сигарет хиди дахшатли таъсир кўрсатади, – у кулимсираб энгашди-да, эгилиб, ўзини химоя қилаётгандек муштларининг орқасини юзига якин келтирди, сўнг лось, бугу, силовсин ҳамда енотни хидидан ажрата оламан, деди.

Бармен ичимликларни олиб келди. Хемингуэй бир неча култум хўплагандан кейин мен одамларга караганда жониворлар билан яхшироқ чиқиши оламан, деб кўйди. Бир гал Монтанда айик билан бирга яшагани, бирга ётгани, бирга овкатлангани, жуда иноклашиб кетгани хақида гапирди. Шундан кейин мёндан Брониксдаги хайвонот богида халиям айиклар борми деб сўради. Мен буни билмайман, аммо Марказий богда айиклар борлигидан аниқ хабарим бор, деб жавоб бердим.

– Бронксда бўлганимда Гранни Райс билан бирга хайвонот богида бориб турдим, – деди у. – Мен хайвонот богида боришни яхши кўраман. Аммо дам олиш кунларида эмас. Одамлар хайвонларни мазах қилишларига тоқат қилолмайман, аслида бунинг тескариси бўлиши керак эди.

Миссис Хемингуэй сумкасидан кичкина ён дафтарчасини олиб, эри билан Нью-Йоркдан жўнаб кетгунча қилинадиган ишлар рўйхатини кўрсатди. Улар термос учун копкак, содда итальян дарслиги, қискача Италия тарихи, Хемингуэй учун эса тўртта жун кўйлак, тўрт жуфт чит, иккита жун турсик, тунги шиппак, камар ва плашдан иборат эди.

– Дадамиз ҳеч қачон плаш қиймаган, – деди у. – Дадамизга албатта плаш олишимиз керак (Хемингуэй кулди ва тўсикка кўкрагини кўйиб энгашиб олди).

– Нам ўтказмайдиган яхши плаш керак, – такрорлади миссис Хемингуэй. – Кейин кўзойнагини ҳам тузаттиришимиз лозим, у каншарини қийиб юборяпти. Доим огритиб, азоб беради. У хафталаб битта когозни бурнининг учига кўйиб юради, факат росмана ювингандагина уни алмаштиради.

Хемингуэй яна хиринглади.

Бармен келди, Хемингуэй тагин виски келтиришни буюрди. Кейин хотинига:

– Мэри, мехмонхонага боришимиз билан биринчи навбатда Карамга кўнгирок киламиз, – деди.

У яна кулиб, муштини юзига тиради ва Марлен Дитрихни – эски дўстини эркалатиб шундай аташини, Финк Вижианинг фермасида галати лакаблар ва шартли ибодарлардан тузилган катта лугати борлигини тушунтирди.

– Мана шундай хазиломуз лахжада гапир бизга ёкади, – деди у.

– Энг олдин Марленга кўнгирок киламиз, кейин увулдурук билан шампанга буюртма берамиз, – деди миссис Хемингуэй. – Кўпдан бери шампан ва увилдирикни согиниб келаман.

– Карам. Увилдирик ва шампан, – Хемингуэй худди харбий буйрукни ёдлаб олаётгандай охиста санаб чикди.

У бир кўтаришда стканини бўшатди, барменни имлаб чакириб, яна такрорлашни буюрди ва менга ўгирилди:

– Биз билан плаш сотиб олишга борасизми?

Мен бу таклифдан хурсндлигимни айтдим ва бокс кўрмокчи эканлигини эслатдим.

Бундай томошаларни яхши биладиган танишимдан сўраб, бу хафтадаги ягона учрашув бугун кечкурун Сент-Николасдаги рингда ўтказишни билиб олган эдим. Танишимда тўртта чипта борлигини, у жон деб бизни таклиф этишни айтдим. Хемингуэй боксчилар билан кизикди. Улар кимлигини айтдим, хаммаси дангасалар экан, деди у.

– Дангасалар, – такрорлади миссис Хемингуэй хам ва Кубадаги боксчилар булардан яхши эканлигини кўшиб кўйди.

Хемингуэй менга бир муддат таънаомуз тикилиб турди.

– Билиб кўй, кизалогим, ёмон бокс кўргандан кўра унга бормаган маъкул. Европадан кайтганимиздан кейин бирга боксга борамиз, чинки бир йилда ҳеч бўлмаганда бир неча марта яхши жангни кўриш керак. Агар узок муддат бокс кўришга бормай кўйсанг, ундан бутунлай четлашиб кетасан. Бу эса жуда хавфли...

У йўталиб кўйди. – Сўнг гапини тамомлади: уйни согинишни ўрганасан.

– Барда бир муддат ўтирганимиздан кейин Хемингуэйлар мени мехмонхонага таклиф килишди. Юкларни таксига ордик, ўзимиз бошка машинага ўтирдик. Коронги тушиб колган эди. Биз катта кўчадан кетдик, Хемингуэй диккат билан йўлга караб борди. У хар доим шундай килади, одатда шофёр ёнида ўтиради. Бу одат унда биринчи жaxon урушидан колган, деб изох берди миссис Хемингуэй. Европада нима киласизлар, деб сўрадим мен. Улар Парижда бир хафта ёки ундан кўпроқ туришни мўлжаллашганини, сўнг машинада Венецияга бормокчи эканликларини айтишди.

– Парижда кезишни яхши кўраман, – деди Хемингуэй йўлдан кўзини узмай. – Хеч кимга билинтиймай бораман, хеч кандай интервью бермайман, хеч ким келганимни билмайди. Ва албатта, эски кадрдон кунларни эслаб, сокол-мўйлабимни олмай юраман. Кафега киришни ёктираман, у ерда мени факат официант ва шериги танийди. Янги суратларни кўришни ёктираман, эскиларини хам, велосипед пойгалари ва боксга бораман, янги хайдовчилар ва боксчилар билан танишаман. Арзон бахоли кўхна ресторанларни излаб топаман, у ерда азалдан камёб таомлар тайёр туради. Шахар бўйлаб кезиб юришни хам ёктираман: мана бу ерда адашиб колганмиз, мана бу ерда бизда ёркин орзулар тугилган, гира-шира туман ичида сайр килганмиз ва хоказо. Мусобакалар дастурини ўрганамиз ва ким голиб чикишини башорат киламиз, кейинги куни Отела ёки Энгинага бориб гаров ўйнаймиз.

– Пойгада дадамиз жуда омадли, – гап кўшди миссис Хемингуэй.

– Дастурни яхши ўрганган бўлсам, – деди у.

Биз Квинсборо кўпригидан ўтдик, Манхеттендаги осмонўпар бинолар кўзга ташланди. Улар ёгду сочиб турарди. Хемингуэй уларга эътибор бермади.

– Бу менинг шахрим эмас, – деди у. – Бу факат бир кўриб ўтишга арзийдиган шахар. У эзиб ташлайди. Париж бўлса бошка гап, у менга иккинчи уйимдек бўлиб колди... Ёлгиз яшаганимда хам у ерда жуда бахтиёр эдим, бу шахарда яшадик, ўкидик, ишладик, улгайдик, кейин эса хар доим бу ерда жуда бахтиёр эдим, бу шахарда яшадик, ўкидик, ишладик, улгайдик, кейин эса хар доим бу ерга кайтишга интилиб яшаймиз.

Унинг иккинчи уйи Венеция эди. Хотини билан Италияга охирги марта борганида тўрт ой Венецияда ва Кортин водийсида турган, ок килган ва хозир ёзаётган китобида хам бу жойлар, айрим одамларни тасвирлаган эди.

– Италия шу кадар гўзалки... – деди у. – Худди сен ўлгансану кўкка кўтарилиб, шу ерга тушгансан. Бу юртни бошкача таърифлаб бўлмайди.

Миссис Хемингуэй шу ёкда чангида учаётганда ўнг болдирини синдириб олганига карамай, улар яна чангида учишга хозирлик кўришаётган экан. Падуяда Хемингуэйнинг кўзи шамоллаб, касалхонада даволанган экан, аммо у Италияга яна бориш ва кўп сонли калин дўстлари билан сухбатлашиш иштиёкида. У шамолли кунларда гондольерларни кайта кўришни, аввалги боришларида турган “Гритти-палас” мехмонхонасида бўлишни, Торчеллодаги кўхна мусофирхона – “Локанду чиприано”да тунашни, Венециянинг шимолий-шаркида венецияликлар чодир тикиб яшаган кичик оролчада сайр этишни ниҳоятда хохлар эди. Хозир Торчеллода бор-йўги етмишга якин одам яшайди, бу ердаги эркаларнинг хаммаси ўрдак овлаб тирикчилик ўтказишади. Хемингуэй кўхна мусофирхонадаги кекса богбон билан бирга кўп марта овга борган эди.

– Биз каналларда сузиб учиб кетаётган ўрдакларни отар эдик, сув кайтган пайтларда камишзорларда кезиб лойхўракларни овлардик, – деб эслади Хемингуэй. – Бу жойлар ўрдаклар ўтадиган йўлга тўгри келиб колган. Припят боткокларидан учган ўрдаклар мана шу ерлардан ўтади. Мен нишонга аник урардим, шу сабабдан хурматим баланд эди. Бу ерларда кандайдир кичкина кушча макон курганди, улар шимолдаги узумзорлардан жанубга – бу томонларга учиб келишарди. Махаллий овчилар уларни ерда отарди. Мен учиб кетаётганларини хам уриб туширардим. Бир марта учиб кетаётган галага ўк узиб, иккитасини уриб туширганимда богбон хайратдан кичкириб юборган эди. Уйга кайтаётганимизда анча баландда ой гардиши фонидида учиб кетаётган ўрдакка ўк уздим, у тўгри канал ичига кулади. Хамрохим койил колганидан ўзини йўкотиб кўяёзди. Шаробдан бўшаган шишаларни хам уриб туширардим. Совук котмаслик учун ўзимникини йўлдаёк ичиб кўярдим. Богбон эса хайратдан тўлкинланиб, лол колган ва ўзини ортиккага тутиб туролмайдиган пайтларда шишани бўшатарди. – Биз жим тинглар эдик, кейин Хемингуэй хитоб килди: – Венеция мўъжизалар мамлакати.

Хемингуэйлар “Шерри-Недерлэнд” мехмонхонасига тушдилар. У когозларни тўлдиргач, ходимга келганимни хеч ким билмасин деб тайинлади. У хеч кимни кўришни, мисс Дитрихдан бошка хеч ким билан телефонда гпалашишни хохламади. Кейин биз уларга ажратилган мехмонхона, ётоқхона ва кичик ошхонадан иборат номерга кўтарилдик. Хемингуэй остонада бир оз тўхтаб, мехмонхонани кўздан кечирди. У XVIII аср услубидаги мебеллар ва гиламлар билан зийнатланган катта хона эди. Сохта каминга калбаки кўмирлар каланганди.

– Уяга ўхшайди-ку, – деди у эшик тагида турган холда. – Улар хойнахой буни хитой кошинкорлиги деб ўйлашса керак.

Миссис Хемингуэй жавон олдида бориб, тахланган китобларни кўздан кечирди.

– Каранг-чи, дадаси, – деди у. Хаммаси сохта. Булар чинакам китоблар эмас, дадаси, ушок нарсалар.

Хемингуэй порффелини тўк кизил ўриндик устига ташлаб, жавон олдида келди. Сўнг охиста, ифодали овозда сарлавхаларни ўкиди: “Бошлангич иктисод”, “Кўшма Штатлар ҳукумати”, “Швеция – табиати ва одамлари”, Феллис Бентлининг “Хотиржам ухла” асари.

У бўйинбогини еча туриб:

– Чамаси биз шиддат билан инкироз сари кетяпмиз, – деди.

Хемингуэй галстуги, кейин пиджагини ечиб, буюмларни саранжомлаш учун ётоқхонага кириб кетаётган хотинига узатди.

Тугамасини ечиб телефон олдига борди:

– Карамга кўнгирок киламан.

У Плазага телефон килиб мисс Дитрихни сўради. Хоним йўк экан, кечки овкатга етиб келсин, кутамиз, деб тайинлади. Кейин ресторанга сим кокиб увилдирик ва икки шиша нордон “Перре–Жуэ” шампанига буюртма берди.

Яна китоб жавони олдига келиб нима дейишини билмаётгандек хаёлчан туриб колди, сўнг картон муковаларга караб гапирди:

– Булар хам худди сахар каби калбаки.

Мен шу кунларда адабий давраларда унинг тўгрисида жуда кўп гаплар бўлаётганини айтдим. Факат у ёзган китоблар хакида эмас, ёзилажак асарлари хакида хам танкидчилар кизгин бахс бошлаган эдилар. Хемингуэй Нью-Йоркда кўргим келмаётган одамлар орасида танкидчилар биринчи ўринда туради, деб жавоб берди.

– Улар худди бейсбол ўйинига келиб, дастурга карамасдан ўйинчининг номини хам айтолмайдиган одамларга ўхшайдилар, – деди у. – Менга ёкмайдиган кимсаларга туфураман. Шайтоннинг ўзи! Агар улар менга зарар етказмокчи бўлса, майли уринаверсинлар. Хафа бўламан, аммо ўйин-ўйин-да.

Хемингуэй танкидчилардан кейин иложи борича учрашмасликни маъкул кўрадиганлар тоифасига умрида порохни хидлаб кўрмасдан туриб уруш хакида ёзадиган ёзувчиларни киритган эди.

– Улар жўнгина тепилган тўпни хам ушлай олмайдиган, кўлидан тўпни тушуриб юбориб бутун жамоанинг харакатини пучга чикарадиган ёки ўзлари тўп узатганда кўпрок ракиб ўйинчиларини майиб килишга харакат киладиган ўйинчиларга ўхшайди.

Хемингуэйнинг ўзи тўпни оширганда, агар зарурат бўлмаса, бирон марта хам ракиб ўйинчисини сафадан чикармаган экан.

– Мана шу кўлларим билан тўпни жуда тез ва аник ўйинга киритиб берганман, – деди у, – тўп хавода бўладими, ерда бўладими, хар доим ушлаб колишга харакат килганман.

Официант увилдирик билан шампан олиб келди, Хемингуэй шисаларни очишни илтимос килди. Миссис Хемингуэй ётокхонадан чикиб тиш чуткасини тополмаётганини айтди. У каерга кўйганимни билмайман, янгисини сотиб оламиз деди. Миссис Хемингуэй рози бўлиб, ётокхонага кайтиб кириб кетди. Хемингуэй икки кадахга шампан куйиб, бирини менга узатди, иккинчисини ўзи ичди. Хемингуэй икки кадахга шампан куйиб, бирини

менга узатди, иккинчисини ўзи ичди. Официант ошкора хайрат билан уни кузатарди. Хемингуэй бошини елкасига эгди унга испан тилида нимадир деди. Иккаласи кулиб юборишди ва официант чикиб кетди. Хемингуэй кадахни кўтариб бориб кизгиш ўриндикка ўтирди. Мен рўпарасидаги креслога жойлашдим.

– Биринчи жахон уруши менда шунчалик кучли нафрат уйготган эдики, ўн йиллар давомида у хакида ҳеч нарса ёза олмадим, – деди у кўккисдан газабланиб. – Уруш ёзувчида жуда секин тузаладиган яра синари таассурот колдиради. Качонлардир бу борада учта хикоя – “Бегона мамлакатда”, “Сиз ундай бўлолмайсиз” ва “Ўзимга хиёнат қилдим” ни ёзган эдим.

У уруш хакида ёзиб, ўзини иккинчи Толстой деб ҳисоблаган бир ёзувчининг номни тилга олди, аммо у майсазорда ялангоёк чопгани билангина Толстойни эслатар экан.

– Ўк овозини умрида эшитмаган бу каламкаш, артиллерия зобити сифатида Севастопол жангида катнашган ва ўз ишини аъло даражада билган, тўшақда ҳам, ичкиликбозликда ҳам, оддийгина бўм-бўш хонада стол устида ёлғиз ўтириб хаёл сурган чогида ҳам чинакам эркак бўлган Толстойга ўзини тенг кўймоқчи бўлади.

Мен жуда камтарона бошлаб, жаноб Тургеневни йикитдим. Кейин жуда катта меҳнат эвазига жаноб де Мопассанни йикитдим. Жаноб Стендал билан икки марта дуранг натижага эришдим, аммо чамаси, сўнги раундда мен очколар ҳисобига ютиб чиқдим. Аммо ҳеч ким мени жаноб Толстойга қарши рингга чиқишга мажбур қилолмади. Агар шундай бўлса мен ақлдан озиб қоламан ёки эришиб бўлмайдиган юксаклик даражасига кўтариламан.

Хемингуэй янги китоби кичик хикоя асосида пайдо бўлганини сўзлаб берди.

– Хикоям романга айланди, – тушунтирди у. – Барча романларим шундай бўлган. Йигирма беш ёга тўлган пайтимда мен Сомерсет Моэм ва Стефан Сент Виксен Бенет романларини ўқидим. – У хириллаб кулди. – Уларнинг китоблари бор эди, ўзимга алам қилиб кетди: менда биттаям йўқ. “Қуёш”ни шундай ёзганман. Йигирма етти ёшда эдим, китобни олти ҳафтада ёзиб битирдим: тугилган кунимда олтинчи сентябрда Парижда тугатдим. Аммо роман латтага ўхшарди, уни беш ой қайта ишладим. Балки у ёш ёзувчилар учун намуна бўлиб хизмат қилар ва шундан кейин улар ўз шифокор-психоаналитикларининг маслаҳатларига амал қилмайдиган бўлишар. Бир куни ана шундай шифокорлардан бири менга: “Сиз психоаналитиклардан нимани ўргангансиз?” деб хат ёзибди. Мен жуда оз нарса деб жавоб қайтардим, мабодо улар ҳам китобларимни англаган бўлсалар, кўп нарса олмаганларига ишонаман. Факат мудофаа билан чекланган боксчи ҳеч кимни енга олмади. Ракибингни енгишга кўзинг етмаса, рингга чикиб овора бўлма. Боксчини бурчакка такаб қўй ва уриб руҳини сўндир. Қарши зарбаларга чап бер, жонинг борича тўғри зарбани қайтар. Камина буларнинг ҳаммасини ўз баданида синаб кўрган...

Хемингуэй кадахига яна шампан куйиб, магнитофон сотиб олганимга карамай кўлда ёзишни яхши кўраман деди.

– Гапирувчи машинадан фойдаланишни ўрганмокчиман, давом этди у. – Гапирадиган машина хаммасини хикоя килиб, кўчириб ёзиш учун котибага беради...

Хемингуэй жуда кийнаиб ёзади. Факат диалогларгина куйилиб осон келади.

– Олдимда гапириб турган одамларнинг сўзларини тез ёзиб улгура олмайман, аммо бу вазифани катта иштиёк билан бажараман. Жумлаларга улар кўтара олганидан кўпрок юк ортаман, кейин эркин учсин деб кўйиб юбораман, чинакамига яхши учувчиларга ўхшаб тасаввурга сигмайдиган хавфли парвозларга йўл кўйиб бераман: парвознинг асосий кисмини улар катта тезликдан завкланган холда осойишта ўтказадилар. Хаёт шундай давом этади. Яъни мен асар ана шундай умр кечиради демокчиман. Хўш, жентельменлар, сизлар бу ҳақда нима дейсизлар?

Назаримда бу савол ўзи учун кандайдир муҳим ахамиятга эга эди, аммо у бунни тушунтириб ўтирмади.

Мен янги китоби аввалгиларидан нимаси билан фарк килишини сўрадим. У менга таъна килаётгандек бир муддат каттик тикилди.

– Ўзингиз кандай ўйлайсиз? – деб сўради анча жим тургач. – Албатта, сиз Аддис-Абебадаги аскарлар ёки тўпларни забт этаётган жангчилар хақида “Алвидо, курол”га ўхшаган нарса ёзишимни хлхламайсиз-ку.

У янги китоби иккинчи жаҳон урушидаги командирлар хақида эканини айтди.

– Шунчаки аскарга ўхшаганлар мени кизиктирмайди. – У яна аччикланди. – Ёки шахсан Мен, алоҳида таъкидлайман, бошимдан кечирган адолатсизликларни олиб кўринг. Жин урсин, мени шафкатсиз уруш илми кизиктиради!

Ўзининг айтишича, янги романида тўпори сўзларни кўп ишлатибди.

– Бунга сабаб, урушда жуда кўпол сўзлашадилар, холбуки, мен жуда мулойим гаплашишни хоҳлайман, – деди. – Шу маънода, менимча, роман “Алвидо”дан кўра кучли бўлади. – У портфелига кўл чўзди. – Бу китобда ёшликдаги гўрликлар йўк. – Сўнг толиқкан овозда сўради:

– Ўзингиз андай ўйлайсиз? – деб сўради анча жим тургач. – Албатта, сиз Аддис-Абебадаги аскарлар ёки тўпларни забт этаётган жангчилар хақида яъни “Алвидо курол”га ўхшаган янги нарса ёзишини хоҳлаайсиз-ку.

У янги китоби иккинчи жаҳон урушидаги командирлар хақида эканини айтди.

– Шунчаки аскарга ўхшаганлар мени кизиктирмайди. – У яна аччикланди. – Ёки шахсан мен, алохида таъкидлайман, бошимдан кечирган адолатсизликларни олиб кўринг. Жин урсин, мени шафкатсиз уруш илми кизиктиради!

Ўзининг айтишича, янги романида кўпол сўзларни кўп ишлатибди.

– Бунга сабаб, урушда жуда кўпол сўзлашадилар, холбуки мен жуда мулойим гаплашишни хохлайман, – деди. – Шу маънода, менимча, роан “Алвидо”дан кўра кучли бўлади. – У портфелига кўл чўзди. – Бу китобда ёшликдаги гўрликлар йўк. – Сўнг толиккан овозда сўради:

– Хўш жентельменлар, нима дейсизлар?

Экиш такиллади. Хемингуэй тез туриб эшикни очди. Бу марлен Дитрих эди. Улар жуда кувнаб кўришдилар. Миссис Хемингуэй ётоқхонадан чикиб, мехмонни назокат билан каршилади. Хемингуэй унга мулойим караб кўйди.

– Дадажон, жуда ажойиб кўринасан, охиста гапирди у.

– Сени согиндим, кизалогим, – деди Хемингуэй. У муштини юзига олиб борди, елкаларини силкитиб, товуш чикармай кулди.

Мисс Дитрих мўйнали пўстин кийган эди. Негадир чуқур хўрсиниб пўстинни ечди ва миссис Хемингуэйга узатди. Кейин яна хўрсиниб, юшок ўриндикка суяниб ўтирди. Хемингуэй кадахга шампан куйиб, унга узатди.

Карам ниҳоятда жозибали, – деди менга кадахимни узата туриб.

Шундан кейин у стулини суриб Марлен Дитрих ёнига ўтирди.

Улар хол-ахвол сўрашиб, дўстларни эслаб кетишди. Театр ва киночилар хакида гаплашишди, Хемингуэй улардан бирини “денгиз карокчиси” деб атади.

Марлен нега шундай атаганини сўради,

– Сабаби, денгиз курукликдан катта, – жавоб берди Хемингуэй.

Миссис Хемингуэй хонадан чикиб, бир неча дакикада увилдирикли бутерброд олиб келди.

– Мэри, мен Дадамиздан буви бўлиб колдим, энди кандай кутишим керак деб сўраяпман, – деди Марлен бутербродни олиб. – Хар доим болаларни ўйлашга тўгри келади. Ўзинг биласан-ку, Дада?

Хемингуэй тушунаман дегандек бошини силкитди, Дитрих сумкасидан невараси туширилган бир неча суратни оиб, бизга кўрсатди. Невараси бир ярим ёшда экан.

Хемингуэй кичкинтойни бокс чемпиониға ўхшатди ва боксчи бўлганим учун соглом болаларни яхши кўраман деди.

Мисс Дитрих кизим якинда иккинчи болали бўлади деди.

Хемингуэй унга бепарво каради:

– Бир неча ойдан кейин ен ҳам бува бўламан. Ўғлим Бамбининг хотини ҳам хомиладор.

Миссис Хемингуэй менга Хемингуэйнинг ўгли армия капитани Жон шундай аталишини, у Берлинда хизмат килатганини тушунтирди. “Сичконча” лакабли иккинчи ўгли Патрик Гарвард университетиде иккинчи курсда ўкир ёши йигирма бирда, июнда уйланар экан. “Жижи” лакабли Грегори якиндагина Аннаполисдаги Сент-Жон харбий акадеиясига кирибди. Ёши ўн саккизда. Патрик тўйга миссис Хемингуэйдан ташкари отасининг иккинчи хотини-ўзининг онаси Полика Феймер ва Жижини ҳам таклиф килмокчи. Хемингуэйнинг биринчи хотини – Бамбининг онаси Хедли Ричардсон бўлиб, хозир у миссис Пол Скотт Муурер деб аталар экан.

Хемингуэйнинг учинчи хотини – Марта Геллхори.

– Энди буёгига факат болалар деб яшаймиз, – таъкидлади Марлен Дитрих.

Хаммаси болалар учун, – Хемингуэй унинг кадаhini тўлдирди.

– Рахмат, Дада, – деди у чукур хўрсиниб. – Мен Плазада яшаяпман, – деб давом этди, – аммо кўп вақтимни кизимникида – учинчи авенюда ўтказаман. Дада, мени кизим билан куёвим бирон ёкка кетганда кўрсанг эди, – у гапирар экан, шампан хўплаб кўйди. – Энага бўлиб колганман. Улар кетиши билан хоналарда гир айланаман, хар бир тешикни кўздан кечираман, яшикларни ёпаман, чанглари тозалайман. Тартибсиз ва ифлос жойда ўтиролмаман. Плазадан олиб келган сочик билан хамма ёкни артиб чикаман.

Улар ярим кечадан ошганда келишади, мен бўлсам ювиладиган ифлос сочиклар ва болаларнинг ички кийимларини тугиб уйга жўнайман ва такси ёллайман. Шофер мени учинчи авенюдаги кекса оксоч деб ўйлайди, менга мехрибонлик кўрсатиб, ашинага ўтказди Мен Плазага бораман деб айтишдан кўркаман. Уйимдан бир махалла нарида машинадан тушаман ва тугунчани кўтариб пиёда кетаман, болаларнинг кийимларини ювиб бўлганимдан кейингина ухлагани ётаман.

– Кизалогим, сен буларни ўзинг учун эмас, болалар учун киласан, – деди Хемингуэй жиддийлик билан. Эшик кўнгируги чалинди. Алоқачи ходим гулдаста кўтариб кирди. Миссис Хемингуэй богични ечиб, яшил орхидеяларни олди. Уларни онаси юборган экан. У гулларни вазага солаётиб, кечки таом вақти келганини эслади.

Овкат пайтида хам Хемингуэй ва Марлен Дитрих уруш хакида гаплашдилар. Учаласи хам уни якиндан кўрган эди. У пайтларда Мэри Уэлч бўлган Миссис Хемингуэй

Лондондаги “Тайм” газетаси мухбири эди. Шу ерда Хемингуэйни учратган экан. Марлен Дитриз билан хам ана шу йилларда дўстлашганлар кейинчалик Парижда тез-тез кўришиб туришган. У фронтдаги актёрлар дастасида хизмат килган ва Европадаги барча жанггохларда концертлар берган. Уруш хакида гап кетганда у маъюсланиб коларди. У аскарларга тамошо кўрсатишни ёктирар вав ўз юридан узокларга тушган бу одамларнинг иссик муомаласи, ўзининг айтишича, унга хама нарсадан азиз эди.

Улар чинакам инсоний фазилатларини саклаб колдилар, – деди Марлен. – Улар аблах хам, кўркок хам эмас, бир-бирини хурат килувчи оддий одамлар эдилар.

Хемингуэй унинг соглигига кадах кўтарди.

Уруш таом бўлгандан кейин Дадамизни негадир хамма унутгандек туюла бошлаганди, мана, ниҳоят сабабини билиб олдим, – деди миссис Хемингуэй. – Тинчлик пайтида у жасорат кўрсатадиган майдон колмаган экан.

- Урушда хаммаси бошкacha бўлади, – гап кўшди Дитрих.
- Одамлар жуда ехрибон, ахил бўлиб колади.

Хемингуэй ундан уруш пайтида ёзилган пластнкаларини немис тилига агдарилган оммавий америка кўшикларини сўради. Улар менга керак, деди у.

– Бу пластинкаларни янги кўлёмаларимга алмаштираман кизалогим, – деб хазиллашиб кўйди.

- Сен билан савдолашайман. Сени яхши кўраман, – деди мисс Дитрих.
- Сенга ўхшаган яхши одамни рингда учратмаганман, – деди Хемингуэй.

Эрта тонгда мени телефон кўнгирोगи уйготди. Хемингуэй зудлик билан мехмонхонага етиб келишимни сўради. Овозида кандайдир хаяжонланиш сезиларди. Тезда бир финжон кофе ичиб, хонасига етиб келганимда эшик очик экан. Ичкари кирдим. Хемингуэй телефонда гаплашиб турарди.

Эгнида тор келиб колган саргимтил катак халат. Бир кўлида шампан куйилган кадах. Соколи кечагига караганда анча ўсиб колган эди.

– Ўглим Патрик Гарварддан келяпти, мен хонани унга колдиришингизни сўрайман, – деди у телефонда.

Патрик биринчи харфи П. – У жим колди ва кадахдан хўплади. – Катта рахмат. У Гарварддан келади.

Хемингуэй телефонни кўйди, халат чўнтагидан шишача олиб, кафтига дори туширди ва уларни шампанга кўшиб ичди. Эрталаб соат олтида тургани, хотини хамон ухлаётгани, тонгда яхши ишлагани ва хозир сухбатга жуда мойил эканини айтди. Гаплашиб ўтириб дам оларди. У киприклари калта бўлганидан хар доим эрта туриб кетар, ёругликка ўта

таъсирчан эди.

– Умрим бўйи куёш чикишини кузатиб келаман – деди у. Бугунги тонгда кўлёмасини синчиклаб кўздан кечирибди.

– Тонгда уйгондим, миямда турли жумлалар гужгон ўйнай бошлади, улардан халос бўлишим – кимгадир сўзлашим ёки ёзишим керак, – деди.

– Карам Сизга маъкул келдимми?

– Жуда ёкди, – деб жавоб бердим.

– Мен Карамни яхши кўраман, Ингрид ҳам менга ёкади. Агар мисс Мэрига уйланмаганимда, мисс Мэрини севмаганимда, иккаласига ёпишиб олардим. Бирида йўк нарса иккинчисида бор. Шунинг учун иккаласини бирдек ёктираман. – Бир лахза ўзи айтган сўзлардан лол колди, сўнг тез гапириб кетди.

– Асло актрисага уйланмаган бўлардим, улар мартабага эришишлари керак, бунинг устига нокулай пайтларда ишлашади.

– Мен ўзингизга плаш сотиб оласизми, деб сўрадим. Албатта, деб жавоб берди у. Сотиб оламан, аммо оломон орасида юришга токатим йўк, бунинг устига кўча жуда совук.

Курси ёнидаги кчкина столга кўйилган музли челакчаларда шампан шисалари кўриниб турарди. Кадахни ушлаб, шисалардан бирини сугурди, у бўш эди. Иккинчи шисани олиб қадахга куяр экан:

“Менга ўк беринг, менга ўк беринг, учинчи дивизиядан хайдаб юборманг асло. Дунёда тенги йўк аскарсан ўзинг”, деб хиргойи килиб турди. Бир оз тин олгач, тушунтирди:

– Бу учинчи пиёда дивизиясининг кўшиги – у менга ёкади, мусика эшитгим келса, доим шуни хиргойи киламан. Хар кандай мусикани, хатто операни ҳам яхши кўраман. Афсуски, овозим йўк, ашула айта олмайман. Биронта асбоб, хатто роял чалишни билмасам ҳам кулогим жуда ўткир. Онам виолончел чалишни ўргатмокчи бўлди. Шуни деб мактабдан ҳам чиқариб олди. Мен футбол ўйнашга иштиёкманд эдим. У эса уйимизда камер мусикаси янграб туришини хоҳларди.

Ёзув столи устидаги очик портфел ичида хавфсаласизлик билан жойланган кўлёмалар кўриниб турарди. Хемингуэй кўлёмаларни кискартирганини айтди.

– Муаллиф канча кискартирганига караб китобни баҳолаш мумкин, – деб давом этди у. – Ёзаётган пайтимда, жин урсин, арслондек магрур бўлиб кетаман! Кадимий инглиз сўзларини ишлатаман. Одамлар мени оддий сўзларни ҳам билмайдиган тентак ва саводсиз деб ўйлашади. Мен шуни яхши биламанки, улардан кўра кучлироқ кўхна сўзлар бор, ўрнини топиб кўллай олсанг, ёдда узок сакланиб қолади. Ёдингда тут, кимки олифталик билан ўзини билимдон килиб кўрсатмокчи бўлса, ҳеч нарсага эриша олмайди. Яна шуни ҳам унутмагинки кизалогим, мен тўрт ёшимдан бошлаб духоба айикчам билан ухламайдиган бўлганман. Хозир эса етмиш саккиз ёшдаги кампирлар ҳам урушда халок бўлган жангчиларнинг оналари бериладиган имтиёзли билим олиш хақидаги конунларни излашади. Мен ўзимга нафака тайинлаб, Гарвард университетига борсаммикан деб ўйлаб юраман, сабаби, холам Арабелла Хемингуэйларнинг сўнги

авлоди бўлатуриб, хатто коллежда ўкимаганимдан кайгуриб юради. Аммо менда бунга сира имкон бўлган эмас. Ўрта мактабни битирганимдан кейин икки йил тезкор харбий билим юртида ўкидим, Француз тили билан шугалланишга вақтим йўқ эди. Мен француз тилида чикадиган “Ассошиэйтед пресс” хабарлари оркали француз тилини ўрганганман, аввал уларни Америка газеталаридан ўкиб олар эдим. Бора-бора ўзим иштирок этган воқеалар хақидаги хабарларни ўкиб тушунадиган бўлдим, сўнг les evenements ва les crimes ни ўқий бошладим. Бундай амалиётдан кейин жаноб Мопассанни кийналмай англайдиган бўлдим, чунки у менга таниш ва тушунарли нарсалар хақида ёзарди. Дюма, Додэ, Стендални ўқиганимда ўзим ҳам шундай ёзгим келаётганини сезар эдим. Жаноб Флобер тўпни хар гал аниқ кучли ва баланд оширар эди. Жаноб Бодлердан жуда кийин тўпларни узатишни ўргандим, ундан кейин умрида бирон марта чиройли тўп тепа олмаган жаноб Рембога навбат келди. Жаноб Андре Жид ва жаноб Валеридан ҳеч нарсани ўргана олмадим. Жаноб Валери мен учун ўта жимжимадор эканлигини биламан. Худди Жек Бриттон ва Бенни Леонард сингари.

– Жек Бриттон, – кўшимча килди Хемингуэй – боксчи эди, мен уни ардоқлардим. Жек Бриттон хар доим хушёр турарди. Рингда тинимсиз ҳаракат килиб, кучли зарбага йўл кўймасди. Мен ҳам хушёрликда қолишмасдим ва хар қандай кучли зарбанинг олдини олардим. Ракибингга зарба беролмасанг, ўзингни ўта-чўкка урушдан фойда борми? Боксчини бурчакка такаб кўй... – Хемингуэй боксчилар ҳолатига кирди ва ўнг кўлини шампан тўла қадах билан кўкрагига босди. Чап кўли билан кўзга кўринмас ракибига бир неча зарба бергандек бўлди.

– Ёдингда тут. Свингдан коч. Хукни даф эт. Кучинг етганча тўгри зарбаларни кайтар.

У қаддини ростлаб қадахга ўйчан тикилиб қолди Сўнг гапга кирди.

Бир куни Жек билан Бенни Леонард ўртасидаги кураш хақида гаплашиб ўтирганимизда: “Жек, қандай килиб Беннини жуда тез мағлубиятга учратдинг?” – деб сўрадим. “Эрни, – жавоб берди у. – Бенни жуда тажрибали боксчи. У жанг чогида ҳам ўйлашдан тўхтамайди. У ўйлай бошлаган пайтда мен зарба бердим”. – Хемингуэй бу гапни биринчи эшитаётгандек хириллаб қулди. – Жек рингда геометрик аниқлик билан бир миллиметр ҳам четга чиқмай аниқ ҳаракат қилади. Унга ҳеч ким кучли зарба беролган эмас. Хохлаган пайтда ракибини мағлуб эта оларди. – Яна яйраб қулди. – “У ўйлай бошлаганда мен зарба бердим”. Хемингуэй бу лавхани “Эллик минг” хикоясига киритганини, аммо Скотт Фитцжеральднинг маслахатига кўра олиб ташлаганини ҳам айтиб берди. Скотт бу воқеа ҳаммага маълум деб ўйлар экан. Холбуки, уни мен билан Жек Бриттонгина билар эдик. Скотт ана шу парчани олиб ташлашга мени кўндирди. Мен буни хохламасдим. Аммо Скотт машҳур ёзувчи эди. Уни ҳурмат қилардим. Шунинг учун маслахатига кўндим.

Хемингуэй курсига ўтирди ва диккатимни тортиш учун имо-ишора қилди.

– Ёшинг улгайган сари кахрамон топиш кийин бўла боради. Аммо топиш керак, – деди у.
– Мени Буаз деган мушугим бор. У одам бўлишни жуда хохлайди. – Охиста давом этди.
Овозини шивирлаш даражасига пасайтириб, Буаз одамлар ейдиган ҳамма нарсани ейаверади, у сабур дек аччик дармондорисини ҳам бемалол чайнайди. Мен кон босимини пасайтирадиган бу дорини ҳам уйкудан олдин ичиладиган хап дорини ҳам унга бермайман, албатта у мени хасис деб ўйлайди. – У гулдирос овозда кулиб юборди.
– Мен тентак карияман. Хўш, бунга нима дейсизлар, жентельментлар?
– Эллик ёш, – Хемингуэй бир оз жим тургач давом этди. – Эллик ёш карилик белгиси эмас. Эллик ёшда ҳам эришган мартабаларингни саклаб қолиш учун имконият бор. Мен уларни 20-йилларда қўлга киритганман, 30-40-йилларда уларни химоя қилганман. 50-йилларда ҳам химоя қилишга тайёрман.

Хонага миссис Хемунгуэй кирди. У кулранг шим ва ок калта кўйлак кийган эди. Ўзини ниҳоятда яхши хис этаётгани ва олти ойдан бери бугун биринчи марта иссик ванна қабул қилганини айтди. Зарур ишлар билан кўчага чикмокчи экан Хемингуэйга ҳам ишларини битириш кераклигини эслатди. У тушлик яқинлашиб қолгани, агар сахарга чикиб кетилса, хар қайсиси алоҳида овқатланиш учун қаергадир кириши лозимлигини таъкидлаб, вақтни тежаш учун тушликка буюртма берган маъкул деди. Миссис Хемингуэй эри кийиниб чиккунча тушликка буюртма бермокчи бўлди.

Адиб кўлидаги қадахини кўтарган холда хохламайгина ўриндикдан турди, шампан виносини охиригача ичди ва ётоқхонага кириб кетди. У айнан кечагидек кийинган холда, факат кўйлаги кўк, тугмачали ёкаси силлик эди. Чикиб келганда афициант дартурхон ёзиб улгурганди. Хемингуэй “Тавеля” виноси бўлмаса тушлик қилолмаймиз деди. Биз афициант вино олиб келгунча кутиб ўтирдик. Хемингуэй денгиз устрицасидан бошлади. Хар бирини зўр хафсала билан чайнар экан.

– Яхши чайнасанг, яхши ўтади – деб кўярди.

– Дада, мархамат қилиб кўзойнагингни тузатиб ол, – деб гап кўшди миссис Хемингуэй. У бош силкиб маъқуллади. Сўнг менга қараб бошини бир неча марта қиллатиб кўйди.

– Кариганимда хаммани бездирадиган чол эмас, донишманд оксокол бўлишни хохлайман, – у афициант хар хил ош-кўклар ва резаворлар кўйиб, “Тавеля” шаробини қадахига қуймагунча жим ўтирди.

Хемингуэй шаробни хўплади ва афициантга бош иргаб кўйди. – Хозирги барча янги боксчиларни, учкур аргимокларни, балетларни, велосипед мусобақаларини, ториадорларни, рассомларни, самолётларни, кўргим келади; барча кафеларнинг доимий мижозига айланган қаргиш теккан ўсмирлар, халқаро фохишалар билан

сухбатлашишни, ресторанларда ўтиришни, эски шаробларни синовдан ўтказишни, газета хабарларини киши ва булар хақида ҳеч қачон бирон сатр ёзмасликни хоҳлайман. Мен дўстларимга кўплаб хатлар ёзишни ва жавоб олишни истайман. Айнан Клемансога ўхшаб 85 ёшгача эркак бўлиб қолишни хоҳлайман. Берна Барухга ўхшаб қолишни ёқтирмайман. Мен парклардаги ўриндиқларда мудраб ўтиришни эмас, кезиб юришни вақти-вақти билан каптарларни боқишни орзу қиламан. Узун соқол кўйган Бернард Шоуга ўхшамаган ёлғиз қария бу дунёда сандирақлаб юришни тасаввур қилолмайман. У гапиришдан тўхтаб кафтининг орқаси билан соқолини силади ва хонага хаёлчан кўз югуртирди. Умримда ҳеч қачон мистер Шоу билан учрашмаганман, – давом этди у. – Ниагара шалоласини ҳам кўрмаганман. Аммо жон деб чопиш мусобақаларида катнашган бўлардим. Ёшинг 78га борган чоғдагини чопиш нималигини англай бошлайсан. Шундан кейин факат ёшлар ибодат бўлган “Бейсбол” командасини излаб топардим. Факат мен ўйин йўналишини ўзгартириш учун аввалдан дастурлаштирилган нишондан фойдаланмас эдим. Мен белгиларни ишлатишни ўрганмаганман. Буларнинг ҳаммаси тамом бўлганган кейин мандан чиройли мурда чиқади бунақасини ёқимтой Флойд замонасидан бери ҳеч ким кўрмаган. Факат чурвакаларгина ўзини аяб яшайди. Кўлингга кирган марраларни бой бера бошлаганингга аклинг етгандан кейин, жин урсин ўзингни авайлаганингдан фойда борми? Ўлиш кийин эмас.

У оғзини очиб дастлаб овоз чиқарасдан сўнг баралла кулди. – Хали қиладиган ишлари кўп.

Кўлини чўзиб, узун сарсабил боғламини тортди. Унга маъносиз тикилганича:

– Факат жуда кучли одамлар ўлаётганда ҳам тиник фикрлай олади, – деди хаёлчанлик билан. Миссис Хемингуэй таомни тез еб, шаробни ичиб тугатди. Хемингуэй қадахдаги майни шошилмай хўплади. Соатга қарадим. Учга яқинлашиб қолганди. Официант столини йегиштиришга тушди, биз кўзгалдик. Хемингуэй ўрнидан турар экан, шишада қолган шаробга дилсиёхлик билан қараб кўйди. Миссис Хемингуэй пальтосини кийди, мен ҳам кийиндим.

– Ичилмай қолган шампан шароби инсоният зотининг душманидир, – деди Хемингуэй. Биз қайта ўтирдик. – Кўлимга пул тушса, шампан шароби сотиб олишдан бошқа нарсани билмайман, – деди у қадахларга шароб қуятуриб.

Шароб ичиб бўлгач, номердан ташқарига чиқдик. Миссис Хемингуэй кўзойнак тузатишни яна бир бор эслатиб, кўздан гойиб бўлди. Хаво одатдагидек совуқ эди.

– Ёқимсиз хаво, кўчада юргинг ҳам келмайди, – деди у маъюсланиб ва чамаси томогим оғрияпти, деб кўшиб кўйди.

Мен докторга кўрина қолинг, деб таклиф қилдим. У хохламайман, деб рад қилди.

– Пул оладиган докторларга ҳеч қачон ишонмаганман, – деди у Бешинчи авенюнинг нариги тарафига ўтганимизда. Бир гала каптарлар учиб ўтди. У тўхтаб, юқорига тикилди, хаёлий милтик билан нишонга олиб, тепкини босди. Хафсаласи пир бўлгандек бизга қаради.

– Нишонга уриб бўлмади, – деди у ва яна милтикни тўғрилагандек ҳаракат қилди. –

Мана буниси жуда осон. Ана, кўринглар!

У йўлкадаги догни кўрсатди. Ўзини енгил хис килгандек бўлди.

Энг олдин кўзойнак дўконига кирмайсизми, деб сўрадим ундан. У йўк деди. Миссис Хемингуэй плашни “Аберкромби ва Фитч” магазинидан изланглар деган эди. Шуни айтдим. У яна елкасини кисди-да, охиста кадам ташлаб таксига караб юрди. Биз машиналар окимига кўшилиб, бешинчи авеню бўйлаб кетдик. 54-кўчада полициячи хуштак чалиб машинани тўхтатди. Хемингуэй норози бўлди.

– Аччиги чиккан ирланд полициячини кўришни ёктираман, – деди завк билан. – Бирга саккиз тикиб бахолашишга тайёрман, у уруш пайтида харбий полицияда хизмат килган. Жуда эпчил ходим. Курол ишлатишга мохир. Хакикий полициячилар Халлинжер фильмларидагига ўхшамайди. Айримлари бундан мустасно.

Биз олга юрдик, у бир куни Бешинчи авенюда Скотт Фитжеральд билан учрашиб колган жойни кўрсатди.

– Шундан кейин Скотт Пристонга бошка келмади, аммо факат футбол хакида бахслашган эди, – локайд гапирди Хемингуэй. У хаётини футболсиз тасаввур кила олмасди. “Нега футболни ташамайсан?” – деб сўрадим ундан. “Эсингни еб кўйибсан, йигитча” – деди у. Бор гап шу. Агар кўчани кесиб ўтолмасанг, футболда мудофаани кандай ёриб ўтасан? Сирасини айтганда, мен Томас Манн эмасман, – сўнг кўшиб кўйди:

– Мен ўзга фикрдаман

“Аберкромби” магазинига етиб боргунча Хемингуэй яна тумшайиб олди. Таксидан истар-истамас тушди, магазинга калтак еган одамга ўхшаб кириб борди. Мен ундан энг олдин плаш кўришни хохлайсизми ёки бошка нарсаними? – деб сўрадим.

– Плаш, – деди у тушкун овозда.

Лифтда Хемингуэй ниҳоятда бошқача – вазмин бўлиб колди, факат юзи кийночка солинаётган одамнинг афтини эслатар эди. Ёнида турган ўрта ёшлардаги аёл унга хушламасдан хавотирланиб каради, айникса таралмаган оппок соколига каттик тикилди.

– Ё худойим-ей! – кутилмаганда хитоб килди Хемингуэй лифтда хукм сураётган жимликни бузиб. Аёл ўз туфлисига назар ташлади. Лифт бизга керакли каватда тўхтади, ундан тушиб плашлар бўлимига бордик.

Олифтанамо кийинган баланд бўйли сотувчи истикболимизга чикди, кўлларини шими чўнтагига тикиб олган Хемингуэй унинг олдида борди.

– Бу дўкондан карзга мол олишга умид килсам бўладими? – сўради у сотувчидан.

– Бўлади, сэр, – деди сотувчи йўталиб.

– Плаш олмокчиман, – деди Хемингуэй тахдид солиб. – Мархамат, сэр, – деди сотувчи .

– Кайси плашни кўришни хохлайсиз, сэр?

– Хов анавини.

У илгичга осилган сув ўтказмайдиган, белбогсиз, копча ўхшаган плашни кўрсатди.

Сотувчи плашни узатди ва тавозе билан уни катта ойна олдига етаклаб борди.

– Кафанга ўхшайди, – деди Хемингуэй плашни эгнидан ечар экан. – Гавдамга тўгри келмайди. Сизларда бошка плашлар йўкми? – сўради у йўк деган жавоб эшитиш умидида. Ва шошилмасдан лифт томонга юрди.

– Мана бунисини кўринг, сэр, кадама астарлик, – таклиф килди сотувчи.

Бу плашнинг камари бор эди. Хемингуэй уни кийиб кўрди, ўзини ойнага солди ва худди милтик отмокчидек кўлини кўтарди.

– Уни кийиб, овга бормокчимисиз? – сўради сотувчи. Хемингуэй хи-хилаб кўйди ва плашни оламан деди. У сотувчига исмини айтди, у эса бармоқларини галати кисирлатди.

– Тушунарли! – хитоб килди у. – Хеч кутмагандим!..

Хемингуэй хафа бўлгандек кўринарди. Плашни “Шерли Недерлэнд” мехмонхонасига элтишни буюрди ва камар кўрсатишни илтимос килди.

– Кандай камарни хохлайсиз, мистер Хемингуэй? – сўради сотувчи.

– Кўнгирини, албатта. – Камарлар сотиладиган, пешитахта олдига бордик, каршимизда бошка сотувчи пайдо бўлди.

– Мархамат килиб, мистер Хемингуэйга камар кўрсатинг, – деди биринчи сотувчи ва бир кадам чекиниб, уни диққат билан кузатиб турди.

Иккинчи сотувчи чўнтагидан ўлчагич олди ва Хемингуэйга кирк олтинчи ёки кирк тўртинчи ўлчамда камар керак, деди.

– Гаров ўйнайсизми? – сўради Хемингуэй ва сотувчининг кўлини ушлаб, ўз корнига урди.

– Койил-э! Худди пўлатдек! – деди сотувчи ва Хемингуэйнинг белини ўлчай бошлади.

– Ўттиз саккиз! – эълон килди у. – Гавдангизга нисбатан белингиз ингичка. Спорт билан кўп шугуллансангиз керак?

Хемингуэй яна хижолат тортди, кўлини силкитди, кулиб юборди, мехмонхонадан чикканимиздан буён у биринчи марта кувнок кайфиятда кўринди. Кўлини мушт килиб, корнига каттик урди.

– Каерга кетяпсиз? Тагин Испаниягами? – сўради сотувчи.

– Италияга, – деди Хемингуэй мушти билан яна корнига уриб. Хемингуэй жигарранг камарлардан бирини танлаб олгандан кейин сотувчи пул солиб юрадиган осма камар керакмасми? – деб сўради. – Хожати йўк, пулларни банкда саклайман, деди Хемингуэй.

Биз оёк кийимлари бўлимида хам анча туриб колдик. Хемингуэй хонаки юмшок туфлиларни кўрмокчи бўлди.

– Вагонда кийишгами? – сўради сотувчи.

– Ўлчами нечанчи?

Ўн биринчи , – деди Хемингуэй хижолатомуз. Туфлини кўргач, сотувчига уни оламан, деди.

– Чўнтагимга солиб кетаман, – тушунтирди у. – Факат чек беринг, мени ўгрига чикаришмасин тагин.

– Бизда ўгрилик кўп бўлиб туради, сиз буни тасаввур хам килолмайсиз, – изох берди кекса пакана сотувчи. – Куни кечагина биринчи каватдан катта гилдиракни ўгирлаб кетишди. Шундай кўтаришгану...

Хемингуэй эътибор бермади. Кўккисдан бизга орка ўгириб турган бакуват эркакка кўзи тушиб:

– Вулфи! – деб хайкирди.

Номаълум одам ўгирилиб каради.

У кипкизил юзлари япалок, чиройли киши эди. Хемингуэйни кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди.

– Отагинам! – кичкирди у. Иккаласи бир-бирининг елкасига уриб, кучоклашганча анча туриб колишди. Бу киши Уинстон Гэст экан. Юкориги каватдан милтик сотиб олишини айтиб, бирга борайлик деб таклиф килди. Хемингуэй канака милтик олиши билан кизикди, ўнинчи калибрли винчестер деб жавоб берди Гэст.

Хемингуэй сотувчидан хонаки туфлини олиб, чўнтакларига солар экан, бебахо милтик деб маъкуллаб кўйди. Лифтда кўтарилар экан, икки дўст канча озганликларини суриштиришди. Гэст вазни бир юз ўн килога тушгани, бунинг учун узок вақт от миниб, майдонда узлуксиз машк килгани хакида сўзлади. Хемингуэй эса Кубада ўрдак овлаб, китоб устида каттик ишлагандан кейин огирлиги тўксон етти кило бўлганини айтди.

– Отагинам, канака китоб ёздинг, – деб сўради Гэст лифтдан чикканимиздан кейин.

Хемингуэй кулиб, муштарлари билан огзини тўсди ва ўз унвонимни химоя килиш учун хали кўп жангга тушаман, деди.

– Вулфи, мен бармоқларимни тишлаб ўтирмасдан, котириб ёзиш мумкинлигини бирдан англаб колдим, – деди у охиста. – Хаммаси миямда пишиб бир колипга тушгунича маълум бир муддат ўтади шекилли. Шундай экан, ёзувчининг бош чаногини очиб кўриш ёки етти марталаб миясини титкилашга синдиришга ёки калласини автомобил ойнасини тозалайдиган чутка билан ишкалашга, бу хам етмагандек кўргошин билан баданини илма-тешик килишга хожат йўк деб ўйлайман. Очигини айтганда, Вулфи, хуштак чалсанг бу чўчка болалари думини кисиб ин-инига кириб кетади, – у яйраб кулди. Гэст хам улкан кирк етти ёшли кишининг олтига ковоургасини, коматини силкитиб хохолар эди.

Э худойим-ей, Дада? – деди у. – Ов милтигинг оролдаги кулбамда халигача осиглик турибди. Яна качон овга борамиз, Дада?

Хемингуэй яйраб кулганича унинг елкасига туртиб кўйди.

– Вулфи, нега бунчалик бесўнакай бўлиб кетдинг?

Гэст сотувчига милтикни каерга олиб боришни тайинлади, биз яна лифтга кирдик. Улар ўтган йили ярим тонна келадиган кора марлин тутган овчи хакида гаплашиб кетишди.

– Хўш, жентельменлар, нима дейсизлар? – хитоб килди Хемингуэй.

– Ё парвардигор, Дада! – деди Гэст.

Биринчи каватга тушганимизда, Гэст деворга кокилган фил калласини кўрсатди:

– Бу фил эмас, пакана одам-ку!

– Шуям фил бўптими? – маъкуллади Хемингуэй. Улар бир-бирини кучоклаганча кўчага чикишди. Мен кайтишим кераклигини айтдим. Хемингуэй эрталаб вақтли етиб келинг, Патрик билан биргаликда Метрополитен музейига борамиз деб тайинлади. Кетар эканман Гэстнинг:

– Худога шукур, Дада! Хаётимга дог туширадиган бирон иш килганим йўк, – деганини эўшитдим.

Ўгирилиб карадим. Улар бир-бирининг корнига уриб, овози борича хохолашарди.

Эртаси куни эшикни Патрик очди. У ўрта бўйли, кўзлари катта-катта ўсмир бўлиб, юзларида асабийлик сезиларди. Енгил матодан тикилган кулранг шим ёкаси очик кўйлак, жун пайпок ва юмшок ағдарма туфли кийган эди. Миссис Хемингуэй хат ёзиб ўтирарди.

Мени кўриб бошини кўтарди:

– Дадамиз кийиниб бўлгандан кейин суратларни кўришга борамиз, – деди ва ёзишда давом этди.

Патрик менга кун бўйи суратларни томоша килишга тайёр эканини, ўзи хам оз-моз чизиб туришини айтди.

– Дадам тушликка кайтиб келиши шарт, у мистер Скрибнерни таклиф килган, – деди Патрик ва эрталаб отасини кузатиш учун шахарга чикишни кўшиб кўйди.

Телефон жиринглади, у дастани кўтариб, ётоқхонанинг очик эшигига караб, кичкирди: – Дада, Жижи бўлса керак.

Хемингуэй ички кийимда чикиб, телефонга караб юрди.

– Ахволларинг кандай, кичкинтой, – деди у ва Жижини таътил пайтида Финкдаги фермасига келишга даъват килди.

– Сен у ерда хар доим азиз мехмонимиз бўласан, – деди у. – Суюкли мушугингни эслайсанми? Антика деб исм кўйган эдинг-ку! Биз номини ўзгартирдик, хозир Экстаз деб чакирамиз. Хамма мушукларимиз ўз исмларини яхши билишади.

У трубкани кўяр экан, Жижини – мохир мерган, ўн бир ёшга тўлганда Кубадаги отиши мусобакаларида иккинчи ўринни эгаллаган, деди менга.

– Сичконча, “Ведка” аникми? – сўради у.

– Шундай, Дада, – жавоб берди Патрик.

Мен “ведка”нинг маъносини сўрадим. Бу инглизча жаргон, деб тушунтирди Хемингуэй, у маълумот маъносини англатади, “ведка” “разведка” сўзидан келиб чиккан. У уч тоифага бўлинади: Оддий “ведка”, “аник ведка” шубха тугдирмайдиган маълумотларни билдиради, “мутлако аник ведка” бўлса бемалол харакатга киришиш мумкин.

У яшил орхидеяга тикилиб колди.

– Онам менга хеч қачон гул келтирмаган, деди маъюс охангда. Хемингуэйнинг онаси саксон ёшлар атрофида эканини ва у Иллинойс штатидаги Ривер Форест манзилида яшашини билиб олдим. Анча олдин вафот этган отаси врач бўлган, Эрнестнинг болалик пайтида ўзини отиб кўйган экан.

– Агар суратларни кўрадиган бўлсак, хозир жўнашимиз керак, – деди Хемингуэй. – Чарли Скрибнерни соат бирга шу ерга чакирганман. Кечирасиз, ювиниб олай. Катта шаҳарларда, хеч бўлмаганда, бўйинни ювиб юриш керак.

У ётоқхонага кириб кетди. Миссис Хемингуэй эри йўклигида, Эрнест оиласидаги олти боланинг иккинчиси эканини айтди: энг каттаси Марселина, кейин Эрнест, Урсула, Мадлена, Карола ва энг кичиги, яккаю ёлғиз укаси Лестер. Барча сингилларига мукаддас исмлар кўйилган. Хаммаси оилали. Лестер Боготода – Колумбияда яшайди, Америка элчихонасида ишлайди.

Бир оздан кейин янги плаш кийган Хемингуэй чикди. Миссис Хемингуэй билан Патрик польто кийишганди, биз пастга тушдик. Ёмгир ёғар эди, такси тутишга ошиқдик. Музейга боргунча Хемингуэй жуда кам гапирди. Ниманидир хиргойи килиб, кўчага караб борди. Миссис Хемингуэй кулогимга у таксида юришни ва хайдовчи ёнига ўтириб йўлни кузатиб боришни яхши кўради, деб шипшитиб кўйди.

Хемингуэй ойнадан караб учиб кетаётган кушлар галасини кўрсатди.

– Бу ерда кушлар учади, аммо шаҳарга локайд карашади, – деди у. – Нью-Йоркка

кушлар кўнишни хохламайди.

Музей ёнида тўхтадик. Бир гурух ўқувчилар секин юриб боришаётган экан. Хемингуэй бизни уларнинг ёнидан тез олиб ўтди. Дахлизда тўхтаб, пальтоси чўнтагидан кумушранг сувдон олди, копкогини бураб, бир култум хўплади. Сувдонни жойига кўйгач, миссис Хемингуэйдан олдин Гойяни кўрасанми ёки Брейгелними деб сўради. У Брейгелни кўрамиз деди.

– Мен Париждаги Люксембург музейида чизишни ўрганганман, – деди Хемингуэй. – Институтни битира олмадим. Корнинг бўм-бўш бўлса, музейга текин киритилса, албатта, музейга кирасан-да. – У Тициан билан Жоржонега тегишли деб хисобланадиган “Эркак портрети” суратига эътиборимизни каратди. – Бу суратлар ҳам кўхна Венециядан келтирилган.

– Менга мана бу сурат кўпроқ ёқади, деб хитоб килди шу пайт – Патрик ва Хемингуэй Франческо Франчианинг “Федерико Гонзаго портрети” (1500-1540) сурати ёнига борди. Полотнода плаш кийган, узун сочли ёш боланинг табиат кўйнидаги тасвири ниҳоятда жонли акс эттирилган эди.

– Сичконча, биз ёзаётган пайтимизда айнан мана шуларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз, – деди Хемингуэй суратнинг орқа томонидаги дарахтларни кўрсатиб. – Ёзаётганда уларсиз иш чикмайди.

Миссис Хемингуэй бизни чакирди. У Ван Дейкнинг “Рассом портрети” каршисида турарди. Хемингуэй унга караб, “маъкул” маъносида бош силкиб кўйди.

– Испанияда Уитти Дал леган учувчимиз бор эди. Бир куни ана шу Уитти олдимга келиб: “Мистер Хемингуэй, Ван Дейк яхши рассомми?” – деб сўради. Мен: “Яхши рассом”, – деб жавоб бердим. – Кўнглимдагини айтдингиз. Мен турган хонада у чизган сурат бор экан, менга жуда ёқди, шунисига жуда хурсандман, у жуда яхши рассом. У менга ёқкани учун жуда хурсандман, – деди кувониб. Эртаси куни Уитти халок бўлди...

Биз Рубенснинг “Исо Масихнинг Гуноҳ ва Ўлим устидан галабаси” сурати олдига келдик. Унда Исо Масих илонлар ва фаришталар орасида тасвирланган бўлиб, булутлар устида кимдир уни кузатиб турар эди. Миссис Хемингуэй билан Патрик бу сурат Рубенс чизган бошка расмларга ўхшамайди дейишди.

– Нима десанглар деяверинглар, аммо бу расмни Рубенс чизган, – деди комил ишонч билан Хемингуэй. Овчи ит ўлжани хидидан сезгандек асл нусхани ҳам адашмай билиш мумкин. Хатто кашшок, аммо жуда яхши рассомлар кўлида тахсил олганлар ҳам буни яхши билишади.

Шу билан бахс нихоясига етди ва биз Брейгель расмлари кўйилган хонага караб юрдик. Эшик ёпик, унда “Таъмир учун ёпилган” деган эълон осиглик эди.

– Хечкиси йўк, – уларни кечирамиз, – деди Хемингуэй ва яна сувдонни кўлига олди.

Хонадан узоклашар эканмиз, у:

– Барибир менга бу ерда яхши Брегель етишмаётгандек туюлади, – деди. – У кишлок манзараларини чизувчи рассомларнинг энг улуги, у чизган галла ўрими суратида жуда кўп. Шунга карамай, тасвирда бошоклар шу кадар геометрик аникликда чизилганки, мен хар гал кўрганымда дил-дилдан хайратга тушаман.

Биз Эль Греконинг яшил бўёкларда чизилган “Тоledo кўринишлари” сурати ёнига келиб, завкланиб узок тамошо килдик.

– Бу ерда нодир асарлар жуда кўп, аммо менимча, музейдаги энг яхши асар мана шу, – деди Хемингуэй. Унга ёкмаган баъзи суратлар Патрикни хаяжонга солаётгани сезилиб колди. Хар гал шу ахвол такрорланганда Хемингуэй ўгли билан астойдил бахсга тушиб кетарди. Шунда Патрик бош силкитиб кулар ва отасининг фикрини хурмат килишини тинимсиз таъкидлар эди. У бахсдан ўзини олиб кочаётганди.

– Кандай ярамаслик! – бехосдан каттик гапирди Хемингуэй. – Мен санъат танкидчиси бўлгим келмайди. Хамма катори суратни томоша килишни ундан завк олишни ва ундан ўрганишни хохлайман. Мана бу сурат, мени назаримда, нихоятда яхши. – У оркага тисарилди ва кўзини кисиб Рейнольдснинг “Полковник Георг Куссмакер” асарига тикилди. Суратда бу харбий саркарда от миниб, жировни тортиб, дарахтга суяниб турарди. – Кўринадики, полковник уччига чиккан ярамас одам. У ўз суратини чизган рассомга канча бўлса – шунча пул беришга тайёр аблахлар тоифасидан, – дер экан, Хемингуэй кулиб юборди. У ўзини накадар димогдорлик билан ўтирганига каранг, отининг мушаклари ўйнаб турганини, туёклар билан депсинаётганини кўряпсизми? Полковник шунчалик ўзига бино кўганки, хатто эгарда ўтирганига карамай, дарахтга хам суяниб олган.

Биз бир муддат залга таркалиб, суратларни ёлгиз тамошо кила бошладик. Сўнг Хемингуэй хаммамизни ёнига чорлаб, тагига катта харфларда “Катарина Лориллард Вулф”, майда харфларда эса “рассом Кабанель” деб ёзилган суратни кўрсатди:

– Бундай суратларни болалик пайтларимда Чикагода кўп кўрганман, – деди у. – Узок йилларгача Бунте ва Райерсонларни энг яхши кўрган рассомларим деб юрганман. Бу икки киши Чикагодаги энг бадавлат оилаларнинг фарзандлари эди. Мен у пайтларда рассомлар сурат остига ўз фамилияларини катта харфларда ёзишади деб ўйлар эдим.

Биз Сезанна, Дега ва бошка импрессионистларнинг суратларини хам тамошо килдик. Хемингуэйнинг завку хаяжони ортиб борди. У хар бир рассом санъат оламига нима бергани-ю, бошкалардан нималарни олгани хакида чукур мулохазалар юрита бошлади. Патрик унинг фикрларини хурмат билан тинглаб, чамаси, энди рассомлар махорати хусусида бахслашишга журъат этмаётгандек кўринар эди. Хемингуэй бир неча дакика Сезаннинг “Фоктенбло ўрмонидаги коя тошлар” суратига тикилиб колди.

– Биз хам ёзаётганимизда шундай мукамалликка интиламиз. Мана дарахтлар, мана тошлар – уларни айнан кўрсатишимиз зарур, – тўлкинланиб гапирди у. Мумтоз санъаткорлардан кейин энг ёктирадиганим Сезанн. Ажойиб! Жуда ажойиб санъаткор! Дега – янада мўъжизакор рассом. Мен Деганинг биронта хам ёмон суратини кўрганим йўк. Ёмон асарларини нима килганини биласизларми? Уларни ёндириб ташлаган.

Хемингуэй сувдондан яна бир хўплаб кўйди. Биз Манэ ингичка каламда чизган мадемуазель Вальтес де ля Бинь портрети олдига келдик. Бу сочи жуда баланд турмакланган ёш оппок кизнинг портрети эди. Хемингуэй бир неча сония жим караб турди, сўнг ўгирилиб таассуротларини билдирди:

– Манэ ёш кизча калбида гулдек очилаётган туйгулар гўзаллигини нозик илгай олган.

Бир муддат залда иккимиз айланиб юрдик. Хемингуэй: – Мен Поль Сезанн суратларига ўхшатиб манзара чиза оламан. Люксембург музейида оч корин билан минг мароталаб кезиб юрганимда ундан манзара чизиш сирларини ўрганганман. Ишончим комилки, агар жаноб Поль тирик бўлиб, мен чизган манзаларни кўрганида ундан таълим олганим учун ўзида йўк хурсанд бўларди, – деб дилини очди менга.

Яна Хемингуэй Иоганн Себастьян Бахдан хам кўп нарсалар ўрганганини кўшиб кўйди.

– Иоанн Себастьян Бах туташ нукталарни таъкидлаш макседида бир хил нотани хадеб такрорлагани каби мен хам “Алвидо, курол”нинг биринчи жумлаларида онгли равишда “ва” богловчисини кўп марта ишлатганман. Баъзи-баъзида мен Жаноб Иоаннга айнан ўхшатиб ёки хеч бўлмаганда унга ёкадиган килиб ёза оламан. Улардан ўрганиш лозимлигини яхши билганим учун бундай одамлар билан тил топишим осон кечади.

– Дада, каранг, – деб чакириб колди Патрик. У Карпаччонинг “Хочга тортилиш азоби” суратини томоша килмокда эди. – Диний рухдаги асар учун тамошабоп хайвонлар тўлиб ётибди, деди Патрик.

– Уху, – деб кўйди Хемингуэй. – Бу рассомлар хар доим мукаддас сюжетларни Италиядаги ўзига ёккан жойларга ёки ўзлари, ё бўлмаса маъшукалари тугилган ерларга кўчирадилар. Ўз маъшукаларини мадонналарга айлантирадилар. Айтайликки, улар Фаластинни чизишга жазм киладилар, Фаластин жуда узокда. Рассомлар суратдаги

манзарага кизил тўтини, охуни, коплонни тикиштирадилар. Алхол, шу аснода Узок Шаркни эслаб коладилар ва дархол венецияликларнинг азалий душмани маврлар киёфасини суратга зўрлаб киритадилар.

У гапини тўхтатди ва рассом суратни яна нималар билан тўлдирган экан деб синчиклаб тикила бошлади.

– Шу пайтда рассомнинг корни очиб колди ва куёнларни ҳам расмга жойлаштирди, – деди у. – Буни каранглар, Сичконча, биз жуда кўп яхши суратларни томоша килдик. Сичконча, икки соат сурат кўрдик, буни кам деб ўйлайсанми?

Хаммамиз кайтадиган вақт бўлди деб маъкулладик. Хемингуэй бугун Гойяни кўрмаймиз, хотиним билан Европадан кайтганимиздан кейин музейга яна биргаликда келамиз деб шарт кўйди.

Биз музейдан чикдик. Ёмгир хамон ёгмоқда эди.

– Жин урсин! – норозилигини билдирди Хемингуэй, – ёмгир ёгаётганда кўчага чикишни ёктирмайман. – Ивиб юришга токатим йўк.

Чарльз Скрибнер мехмонхона дахлизида кутиб турган экан.

– Эрнест, – деди у Хемингуэй кўл узатар экан. У сочлари дона-дона гапирадиган, салобатли, келишган киши эди.

Хамма лифтга киргандан кейин Хемингуэй дўстига мурожаат килди:

– Чарли, биз сурат кўргани бордик. У ерда жуда гўзал расмлар бор, Чарли.

Скрибнер маъкуллади ва дудукланиб;

– Уху, уху, – деб кўйди.

– Менга ўхшаган чеккадаги киши учун ниҳоятда ажойиб сайр бўлди.

– Уху, уху...

Хонага кириб пальтоларимизни ечдик, Хемингуэй тушликни шу ернинг ўзида келамиз, – деди. У ресторанга кўнгирок килди, миссис Хемингуэй эса хатни ёзиб тугатиш учун ёзув столига ўтирди. Хемингуэй Мистер Скрибнер билан диванга жойлашди ва дарров дўстига китобни ёзиш давомида олти кунлик велосипед пойгасига чиккан спортчига ўхшаб тоза тер тўкишга тўгри келгани хакида шикоят кила бошлади. Патрик бурчакда отасига караб жим ўтирди.

Официант таомнома олиб келди. Скрибнер Хемингуэй тўлайдиган бўлса, мен hozир энг киммат таомларга буюртма бераман деб хаммани кулдирди. Патрик хам мирикиб кулди.

Официант таомларни олиб келишга кетди, Скрибнер билан Хемингуэй зарур ишлар хусусида гаплашиб ўтиришди. Скрибнер жўнатган хатларимни олдингми, хозир улар ёнингдами? – деб сўради.

– Роберт Брауннинг шеърлари билан бирга уларни хар доим ёнимда олиб юраман, – жавоб берди Хемингуэй.

Скрибнер бош тебратди ва пиджагининг ички чўнтагидан кандайдир коғозларни – ўзининг айтишича, янги китоб учун тузилган шартнома нусхаларини олди. Шартномада йигирма беш минг доллар бўнак бериш кўзда тутилган экан.

Хемингуэй шартномага кўл кўйди ва дивандан кўзгалиб, шундай деди:

– Ўзимни ҳеч қачон даҳо ҳисобламаганман, аммо ўз шарафимни барча истеъдодли ёш ёзувчилар олдида ҳимоя қила оламан. – У бошини ичкари тортди, чап оёгини олдинга ташлади ва бир неча марта гох ўнг, гох чап томонга зарба бераётгандек чаккон ҳаракатлар қилди. – Ҳеч қачон қучи зарба тегишига йўл қўйма, – деб хитоб қилди.

Скрибнер уни Европанинг қайси бурчагидан топиш мумкинлигини сўради. Хемингуэй “Гаранти траст” компаниясининг Париждаги бўлими орқали топишдан қулай жой йўқ деб тушунтирди.

– Бир пайтлар – Парижни забт этган пайтимизда мен бу банкни босиб олишга уриниб кўрган эдим, аммо каттик зарбага учраганман. Ўгил бола гапни айтсам, шахсий банк очганимда зўр бўлар эди-я! – деди ва ўзини ноқулай сезиб, жилмайиб кўйди.

– Уху, уху ... – пўнгиллади Скрибнер. – Италияда нима иш қилмоқчисиз, Эрнест?

Хемингуэй куннинг биринчи ярмида ишламоқчиман, иккинчи ярмида италиялик дўстлар билан учрашмоқчиман, тонгги пайтларда ўрдак овламоқчиман, деб жавоб берди.

– Бир қуни тонгда олти киши бўлиб уч юз ўттиз битта ўрдак отганмиз, – деди у. – Мэри ҳам яхши отган.

Миссис Хемингуэй бошини кўтарди.

– Дадамиз билан турмаш қурмоқчи бўлган хар бир аёл милтик отишни яхши билиши керак, – деди у ва яна хат ёзишга тутинди.

– Мен бир марта овга чиққанман – бу Суффолкда, Англияда бўлган эди, – хаёлчан гапирди Скрибнер.

Хаммамиз гапнинг давомини эхтиром саклаб жим қутиб турдик.

– Суффолкда эрталабки нонуштада гоз тухуми беришганини яхши эслайман. Кейин биз овга чиқдик. Мен хатто тепки босишнIAM уддалай олмадим.

– Ов – яхши ҳаётнинг бир бўлаги. Вест-порт ёки Бронсквилда сандироклагандан кўра яхшироқ, – деди Хемингуэй.

– Тепки босишни ўрганганимдан кейин ҳам биронта нишонни уролганим йўк.
– Мен эса Монте-Карлодаги катта мусобакада ва Сан-Ромодаги жахон биринчилигида жон деб катнашган бўлардим, деди Хемингуэй. – Яхши тайёргарлик кўрганман, хохлаган мусобакада катнашим мумкин. Бир марта катта мусобакада хатто Вулфини енгиб чиққанман. Мохир мерган у. Уни енгиш – ўргатилмаган отни минишдек оғир машаккат.

– ...Нихоят, мен ҳам бир марта нишонга урганман гапини тамомлади Скрибнер.
– Кимни отгансан? – сабрсизланиб сўради Хемингуэй.
– Куённи, – жавоб берди Скрибнер. – Куённи отганман.
– Монте-Карлода 1939 йилдан бери катта мусобака ўтказилгани йўк. – афсусланди Хемингуэй. – Етмиш тўрт йил ичида факат иккитагина америкалик голиб бўлди. Ўк узиш менга яхши кайфияти багишлайди. Хамма гап шундаки, бундай мусобакаларда атрофингда сени тушунадиган, сенга хайрихох одамлар бўлади, бошқа жойда эса сенга хасад киладиган, ёмонлик согинадиганлар куршовида коласан. Бу тезкор ўйин, бейсболдан кўра тез тамом бўлади, биринчи хатодаёк ўйиндан чикиб кетасан.

Телефон жиринглади. Хемингуэй дагани кўтариб тинглаб турди ва нималардир деб жавоб кайтарди, сўнг бизга ўгрилиб, “Эндорсментс инкорпорейтед” номли таргибот идораси кандайдир ичимликларга унинг номини кўйиш учун тўрт минг доллар таклиф килаётганини айтди.

– Мен уларга текинга тўрт минг доллар берганларингда ҳам бундай аталани ичмайман деб жавоб килдим, – деди у. – Уларга шампан шаробига мухлисман дедим. Мен хар доим юмшок кўнгилли одам бўлишга харакат киламан, аммо бу жуда оғр иш. Бостонда ютсанг, Чикагода ютказасан.